

371.9  
М-99  
226 700

А. Мұмінова

**ТУТИЛИБ ГАПИРУВЧИ  
ҰСМИРЛАР УЧУН  
ҚҰЛЛАНМА**



371.9


т. 09

Л. Мўминова

---

ТУТИЛИБ ГАПИРУВЧИ  
ЎСМИРЛАР УЧУН  
ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ—«ЎҚИТУВЧИ»—1980



Описано

## МУНДАРИЖА

### Кириш

Нутқ органлари	3
Училлар ва унни товушлар билан бошланувчи сўзлар устида ишлаш	15
Иборалин путь устида ишлаш	23
Шеърий путь устида ишлаш	33
Нутқининг савол-жавоб формаси	39
Ўқиши учун текстлар	44
Баён қилиши учун темалар	57
Сўзлашув путь	67

На узбекском языке

ДОЛА МУМИНОВА

## ПОСОБИЕ ДЛЯ ЗАИКАЮЩИХСЯ ПОДРОСТКОВ

Ташкент—«Ўқитувчи»—1980

Редактор Ф. Никромова  
 Бадний редактор Г. Чернишов  
 Техредактор Ш. Вахидова  
 Корректор Д. Абдуллаева

ИБ № 1515.

Теринига берилди 14. 02. 1980 й. Босинга руҳсат этилди 4. 09. 1980 й.  
 Формат 84×108½. Тип. қоғози № 3. Кеган. 10. шиноси. Юқори босма  
 усулида босилди. «Литературия» гарн. Шартли б. л. 3,57. Намр л. 3,14.  
 Тиражи 5 000. Зак. № 120. Баҳоси 10 т.

«Ўқитувчи» наширисти. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома № 155-79.

Ўзбекистон ССР нацифётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат  
 комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия цилиаб чиқарни бирляшимини  
 га қарашли 2-босмахона, Янгиюль шаҳри. Самарқанд кӯчаси, 44. 1980 й.

Типография № 2 Ташкентского производственного объединения «Матбуот» Государственного комитета УзССР по делам изда-  
 тельства, полиграфии и книжной торговли, г. Янгиюль, ул. Самаркандская, 44.

© «Ўқитувчи» нашириёти, 1980

69404—228  
 А 353(04)—80 221—80 4121000000  
 353(04)—80

## КИРИШ

Инсониятнинг бутун ҳаёти ва фаолияти жамият билан чамбарчас боғлиқдир. Қишилар ўртасидаги муомаланинг асосий воситаси нутқ ҳисобланади. Инсон нутқ ёрдамида ўз фикрини, ҳис-туйғуларини изҳор қиласи ҳамда бошқаларнинг ҳиссиётларини билиб олади. Демак, нутқ фаолияти алоқа ўрнатиш воситасидир.

Тилни ўрганувчи фанларга психология, лингвистика (тилшунослик), физиология, психолингвистика ва логопедия киради.

Психология ҳар хил шароитларда, турли хил вазиятларда тилдан фойдаланиш хусусиятларини аниқлайди, инсон хатти-ҳаракатларини программалаштиришда тилнинг ролини ўрганади, болаларда алоқа процессининг таркиб топиш йўлларини белгилайди. Физиология фани эса нутқнинг физиологик механизмларини ўрганади. Тилнинг нутқ фаолиятидаги функциясини ва уни абстракт система сифатида ўрганувчи соҳа лингвистикадир. Сўнгги йилларда лингвистика билан чегарадош бир фан ривожланмоқда. Бу фан психолингвистикадир. Психолингвистика нутқий тафаккурнинг юзага келиши ва идрок этилиши қонуниятлари ҳақидаги фандир. Совет психолингвистикаси (нутқ фаолиятининг назарияси ҳам деб юритилади) нутқни инсон фаолиятининг маълум мақсаддага йўналтирилган турларидан бири сифатида текширади.

Логопедия эса нутқдаги нуқсонларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш билан бирга, унинг олдини олиш усуллари билан шуғулланувчи фандир. Баъзан нутқда турли хил бузилиш ва камчиликлар учрайди. Нутқ бузилишининг энг мураккаб ва кўп учрайдиган кўринишларидан бири тутилиб гапиришdir. Бу нутқда айрим бўғин ва товушларнинг қайта-қайта такрорланиши ёки тўхта-

либ қолиши натижасида содир бўлади. Тутилиб гапириш эса кишининг бошқалар билан эркин сўзлашишига халақит беради. Нутқида шундай нуқсони бўлган кишилар баъзан ўз ҳолатини билинтирасликка ёки уни ўзича йўқотишга уринади. Лекин бу нарса фойдадан кўра қўпроқ зарар келтиради. Бундай кишилар кўпинча гапиришдан чўчиш, ўз камчилигини муттасиъ сезиб туриш, ўз фикрини бошқаларга аниқ тушунтира олмаслигини ўйлаб доимо эзилиб юриш каби нохуш ҳолатларга дучор бўлади.

Тутилиб гапириш нимадан юзага келиши тўғрисида илгари олимлар ўртасида ҳар хил фикр мавжуд эди. Баъзи олимлар тутилиб гапириш — бу, бутун организмнинг касаллиги, бинобарин, уни дори-дармон билан даволаш керак, дейишган. Бошқалари бу касаллийкни артикуляция (товуш чиқариш) аппаратининг нотўғри тузилишидан деб ҳисоблаб, уни операция ёрдамида даволашни таклиф қилишган. Операция қилинган ҳам, лекин у ҳеч қандай натижа бермаган. Кейинчалик олимлар тутилиб гапириш невроз касаллигининг бир тури деган хulosага келишди. Бу хulosага улуг рус физиологи И. П. Павловнинг олий нерв фаолияти қонуниятлари ҳақидаги таълимоти асос бўлди. И. П. Павлов таълимотига кўра, тутилиб гапириш олий нерв фаолиятининг функционал заифлик белгиси, яъни қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг бузилишидир.

Хўш, тутилиб гапириш қандай рўй беради? Бу ҳодиса нафас олиш, товуш ва артикуляцион бўлимларда пай тортишиши натижасида содир бўлади. Товуш бўлимида пай тортишганда товуш пайчалари бир-бирига маҳкам ёпишади-да, товуш узилиб қолади. Агар пайчалар ўз вақтида бир-биридан ажралмаса; товуш тўхталиб-тўхталиб чиқади. Борди-ю, улар бир-бирига тегмай қолса, киши шивирлаб гапиради. Артикуляция бўлиминдаги пай тортишиши қўпроқ тил ва лаб мускулларига тарқалади. Нафас бўлиминдаги пай тортишлар натижасида нафас чиқариш жараёни нафас олишдан устун келиб, чиқарилган нафас талаффуз этиш учун этишмайди. Тутилиб гапиришнинг оғир шаклида пай тортишиш юз ва тана мускулларига ҳам тарқалади. Бунда беихтиёр қўз олайтириш, бошни орқага ташлаш ҳолати ҳам кузатилади.

Аслида пай тортишиши икки хил бўлади: клоник ва

тоник пай тортиш. Клоник пай тортишиш вақтида товуш ёки бүгін, сұз бирнече марта тақрорланади. Тоник пай тортишиш вақтида сұз бошида тұхталиш рүй беради. Тұхталиш гап үртасида, охирида ёки айрим ундош товушларни (х, п, к, т) талаффуз этишда ҳам рүй беради.

Тутилиб гапиришга қаттық құрқиши, турли юқумлы касалликлар, иотұғри тарбия ва жисмоний заифлик, ирсият мойиллиги ҳам маълум дараражада сабаб бұлади.

Тутилиб гапириш невроз (асаб) касаллигининг алоҳида шакли ҳисобланиб, уни турлы хил дори-дармон, педагогик психотерапевтик восита ва тадбирлар комплекси ёрдамида даволаш мүмкін.

Логопедик тадбирларнинг вазифаси мунтазам үтказыладиган машғулотлар ёрдамида тутилиб гапирувчи нутқининг тұғри, текис, равон, ифодали чиқишига эришиш мақсадида уни ҳаддан зиёд уринишлардан озод қилиш, талаффуздаги камчиликларни бартараф этиб, тұғри артикуляцияни тарбиялашдан иборатдир.

Врач-психиатр тутилиб гапирувчига дори-дармон, физиотерапевтик ва психотерапевтик даво тадбирлари буюради. Логопед эса, үз навбатида, касалликнинг умумий тарихига оид маълумотлар, нутқ жараёнларида тутилиб гапиришни аниқлаш, нутқнинг мазмунни ва фикрий моҳиятини белгилаш масалалари бүйича беморни синчиклаб текширади. Беморни текширишида у тарбияланған ва ҳозир яшаётган мұхит ҳамда шароит, мактабда үқитувчилар ва үқувчилар билан, ишда эса ҳамкаслари билан муносабати, оммавий ишларда қатнашиши, касалликнинг ривожланишига сабаб бұлувчи алоҳида омиллар, рухий хасталик, тутилиб гапириш үқишига, касб танлашга, оила қуришга ҳалақит берадими, йүқми каби қатор масалаларға алоҳида әътибор берилади. Бундан ташқары логопед беморнинг фикрлаш ва ақлий ривожланиш даражаси, үз-үзиге муносабати (ұта манманлик ёки туғишиларни, оиласи, танишлар олдида, хизмат ва оммавий ишларда үзини ҳаддан зиёд паст тутиш, нималарға қизиқиши, үзининг тутилиб гапиришига муносабати, үз камчилигидан ҳижолат чекиши, касаллик белгиларига, кечинмаларига ортиқча диққат қиласвериши) жұшқынлик ва харakter хусусиятлари (ҳадиксираш, жizzакилик, бадгумонлик, ұжарлик), ҳис-түйғу, иродавий ҳолатлар (кайфият, тажанглик, ғазаб ва шодликларга мойиллик) каби турли туман ҳолат ва омилларни түғри аниқлашга алоҳида әътибор беради. Кейин эса логопед тутилиб гапирувчи-

ларни нутқ устида ишлашнинг асосий формалари билан таништиради. Бундай формалар, одатда, изчил равишда оддийдан мураккабга томон боради. Тутилиб гапиравчилар билан ишлаш уч босқичдан иборат.

Биринчи босқич машғулотлари артикуляцион ва нафас олиш машғулотларидан, саноқ, жумлаларни ўқиш, қисқа шеърларни ёдлаш, саволларга жавоб бериш, оддий хабарлар каби машқлардан иборат бўлади. Бу босқичда, асосан, нафас ва товуш устида иш олиб борилади. Бу машғулотлар унли товушлар иштирок этган жумлаларни талаффуз қилиш машқларидан бошланади. Саноқ машқларидан, масалан, тўғри ва тескари санаш машқлари ўтилади. Бунда бир нафас чиқаришда икки сонли рақамларни санаш ва кўп сонли бошқа саноқ вариантлари машқ қилинади. Жумла талаффузи учун танланадиган гаплар жуда қисқа бўлади, масалан, «Мен институтида ўқийман», «Мен заводда ишлайман», «Тошкент чиройли шаҳар» ва ҳоказо. Бу жумлалар бир нафас чиқаришда бамайлиҳотир талаффуз этилади. Кейинчалик 3—4 ва ундаи кўпроқ сўзлардан тузилган жумлаларни машқ қилишга ўтилади. Жумлалар турланган феъллар иштироқидаги сўзлардан тузилади. Бу машқларда тўғри нутқ кўнікмалари мустаҳкамланади. Шунга кўра, ҳар бир жумла олти мартадан тақрорланади. Бунда жумланинг фақат биринчи сўзи ўзгартирилади, холос. Жумлалар қўйидаги тартибда — ҳар гал биринчи сўзи «а», «э», «о», «у», «ў» товушлар билан бошланадиган қилиб тузилади. Унли товушлар билан бошланадиган сўзлар, талаффуз этиладиган жумлалар обдан машқ қилингач, ундош товушларга ўтилади. Бундан ташқари, логопедик машғулотларнинг бу босқичида кейинги (иккинчи босқичда ҳам) тутилиб гапиравчиларга шеърий нутқ машқ қилдирилади. Ёддан шеър ўқиш равони нутқ кўнікмаларини ҳосил қилишда катта роль ўйнайди. Зоро, шеърий нутқда ҳам ички, ҳам ташқи уюшқоқлик, оҳанг, қофия ва ўлчовлилик каби омиллар мавжуддир. Шунинг учун нутқнинг бу шакли тутилиб гапиравчилар учун энг осон ҳисобланади. Шунисн диққатга сазоворки, кўргина тутилиб гапиравчилар даволанишдан олдин ҳам тутилмасдан шеър ўқий олишган. Тутилиб гапиравчилар одатда, шеър ўқишни ёқтиришади. Чунки бундай даволашнинг фойда келтиришига беморларда ишонч ҳосил бўлади, уларнинг кайфиятлари ҳам кўтара-

лади. Шеърий нутқ машқидан кейин, нисбатан қийироқ нутқ формаси — савол-жавоб машгулотларига ўтилади. Бу форма энди чинакам сўзлашув нутқи ҳисобланаб, бошланишда беморлар учун бирмунча қийироқ кўчади. Шунинг учун дастлаб саволлар оддий сўзлардан, аниқ вазият ва беморлар учун маълум бўлган темалар асосида тузилиб, аста-секин мураккаблаштириб борилади.

Иккинчи босқичда ҳам дастлаб биринчи босқичда ўтилган жами машқ турлари қайтарилади. Бунда савол-жавоб машқлари анча мураккаблаштирилади. Янгидан эса текстларни ёдлашни ўрганиш, овоз чиқариб ўқиш, ўқиган текстни сўзлаб бериш, ўтилган темани мустақил баён қилиш, сўзлашув нутқи бўйича практика ўтказиш каби нутқнинг янги формаларини машқ қилиш устида машғулотлар ўтилади. Бу босқичда тутилиб гапи-рувчилар ўз нутқлари устида изчил иш олиб боришади. Бунда энг асосий нарса оғзаки нутқда анча мураккаб мазмунни ифода этишини эгаллашдир. Биринчи босқичда ҳосил қилинган маълум даражадаги тўғри нутқ кўник-малари иккинчи босқичда беморларнинг эътиборини баён қилинаётган текст мазмунига, маъносига жалб қилиш имконини беради. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, тутилиб гапи-рувчилар ўзлаштириб олган тўғри нутқ кўник-маларини фақат логопедик машгулотлар вақтидагина эмас, балки кундалик турмуш ва иш жараёнида ҳам қўллашлари лозим. Тутилиб гапи-рувчиларни йигилишларда сўзга чиқишига кўпроқ тортиш, уларга саволлар бериш, уларнинг тўғри нутқ кўникмаларини мустаҳкамлаш учун ҳар қандай омиллардан фойдаланиш имконини яратиш зарур. Бу босқичда нутқнинг янги формаларидан бири беморларга текстларни ўқитишдир. Бу хусусда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, тутилиб гапи-рувчилар текстни ўқиш жараёнида баъзан фикрни «осонроқ» ифодалаш учун текстдаги «қийин» сўзларнинг ўрнига бошқа «осонроқ» сўз топиб ишлатишга интиладилар. Бунга йўл қўймаслик керак, акс ҳолда тутилиб гапи-рувчилар тўғри нутқни ўрганиш ўрнига ўзлари ўрганган «нутқ қоидаси»га тушиб оладилар-да, оқибатда машқларнинг фойдаси бўлмай қолади. Тутилиб гапи-рувчилар учун нутқ формалари орасида энг қийини сўзлашув нутқи ҳисобланади. Чунки кишининг нутқ камчилиги худди шу сўзлашиш формасида айниқса яққол билинади. Шунинг учун сўзлашув нутқига бағишланган машғулотларга кўпроқ эътибор берилади.

Шунга кўра группа машғулотларида, кундалик турмушда учрайдиган, айтайлик, меҳмондорчиликда, автобусларда, кутубхона, магазин, бозор ва бошқа жойлардаги га ўхшаши шароитни вужудга келтирамиз.

Учинчи босқич якунловчи ҳисобланади. Бу вақтга келиб беморлар старли дараҷада тўғри нутқ кўникмаларини ҳосил қилган бўладилар. Учинчи босқич машғулотларида нутқ кўникмаларини турмушга татбиқ қилиш амалга оширилади. Машғулотларда кичик ҳажмли докладлар, муайян текстни драмалаштириш ва якунловчи конференцияда беморлар ўз ишлари тўғрисида, нутқ устида олиб борган ишлари ҳақида сўзлаб берадилар. Шу борада текстни драмалаштириш алоҳида ўрин тутади. Бу қизиқарлӣ нутқ тури учун ўзбек авторларининг кичик пъесалари, интермедиялари танлаб олинади.

Ниҳоят, хотималовчи конференцияда нутқни даволаш курсини ўтаган беморлар ўз нутқини яхшилаш ва ривожлантириш иши бўйича эришган мудаффақиятлари тўғрисида ҳисобот, маълумот, ахборот тарзида сўзлаб берадилар. Тутилиб гапиравчилар логопедик даволаш курсини ўтаганларидан кейин ҳам ўз нутқларини янада равонлаштириш ва аниқлаштириш устида ўзлари мустақил равишда мунтазам шугулланиб боришлари керак. Бундай машқлар албатта логопед кўрсатмаси бўйича амалга оширилиши зарур.

Тавсия этилаётган қўлланма тутилиб гапиравчиларнинг нутқини тўғрилашда логопедик машғулотлар учун мўлжалланган. Ундан логопедлар иш жараёнида ёрдамчи методик қўлланма сифатида, тутилиб гапиравчилар эса мустақил машғулотларида фойдаланишлари мумкин.

## НУТҚ ОРГАНЛАРИ

Нутқ кишиларнинг тил воситаси орқали алоқа қилиш жараёнининг тарихан тартиб топган формасидир. Нутқ ранг-баранг ифодали товушларнинг мажмуасидан иборат. Бу товушлар олий нерв системасининг сигналлари воситасида нутқ органларининг турлича шаклланиши ёки ҳаракати натижасида пайдо бўлади. Шунинг учун нутқ товушларини вужудга келтирувчи манбани ўрганиш, улардан онгли фойдалана билиш аниқ ва равшан талаффузларни таъминловчи омиллардан биридир.

Нутқнинг олий апарати миядир. Бош нутқ органларини учта асосий бўлакка бўлиш мумкин.

1. Ҳаво ўтадиган аъзолар (бронх тармоқлари, кекирдак) ва ўпка.

2. Овоз пайчаларини ўз ичига оладиган ҳиқилдоқ (бўғиз).

3. Ҳаво ўтувчи йўллар (ҳалқум, бурун бўшлиғи, оғиз бўшлиғи). Нутқ органлари бўлакларининг фаолияти қўйидагичадир:

1. Нафас аппарати — қўкрак қафаси, ўпка, бронх, трахеялардан иборат бўлиб, нафас чиқаришда йўналтирувчилик вазифасини бажаради ва товуш пайдо бўлишида иштирок этади. Овоз товушнинг ташқарига чиқиши жараёнда ҳосил бўлади. Нафас олганда пауза пайдо бўлади, бу эса товушнинг тиниши, ўз навбатида нутқнинг фонетик бўлинишига олиб келади.

2. Бўғиз — тўрт кемирчакдан (тоғайдан) иборат: ҳалқасимон кемирчак (хряш), икки пирамидасимон кемирчак ва қалқонсимон кемирчак. Қалқонсимон кемирчак деворларига ва кичкина ҳаракатчан пирамидасимон кемирчак деворларига туташган овоз пайчалари ҳам бўғизга жойлашган.

3. Овоз пайчалари — бўғиз (ҳиқилдоқ) ичидаги олдиндан орқага қараб кетувчи иккита шиллиқ парда бурмаларидан иборат. Овоз ҳосил бўлишида бу пайларнинг аҳамияти жуда катта.

4. Оғиз бўшлиғи — турли нутқ органлари: тил, лаб, танглай, жағ комбинацияларига кўра оғиз бўшлиғи ҳажми ўз кўриниши билан турли шаклга кириб туради ва ҳар хил товуш ҳосил қиласди. Шунингдек, оғиз бўшлиғи товушларга резонатор (қайтаргич)лик хизматини ҳам бажаради.

5. Тил — оғиз бўшлигидаги энг муҳим органдир. У ўзининг жуда ҳам ҳаракатчанини туфайли қарийб барча товушларнинг ҳосил бўлишида иштирок этади. Тил товуш ҳосил қилувчи орган сифатида уч қисмга бўлинади: орқа қисм, ўрта қисм, олд қисм.

Ҳар бир қисм ўз имконият даражасига кўра, товушлар ҳосил бўлишида турлича иштирок этади.

6. Лаблар ҳам товушлар ҳосил бўлишида фаол қатнашувчи органдир.

7. Бурун бўшлиғи — қўп йўлаклардан иборат мураккаб бўшлиқ. Бурун бўшлиғи иштироқида турли бурун товушлари пайдо бўлади.

**8. Жағ** — товушлар талаффузида пастга тушиб, юқорига күтарилади. Оғиз бұшлыгининг катта-кичиклигі жағнинг күтарилиш ва туширилишига боғлиқдир.

### НАФАС ОЛИШ

Нафас олиш ва нафас чиқаришда ҳаракатларнинг вужудға келиш сабаби шуки, бунда күкрак қафасининг ҳажми үзгариб — гоҳ кенгайиб, гоҳ торайиб туради. Бундай вақтда нафас олиш органларынинг мускуллари навбати билан қисқариб ва бұшашиб туради. Үпка күкрак бұшлығи деворлари ҳаракатига қараб пассив рациональда үзгәради. Күкрак қафасининг бұшлығы кенгайған вақтда унинг ички томон деворини қоллаб турувчи девор олди пардаси чўзилади. Бу парда билан үпка пардаси күкрак қафасининг девор олди пардасига сурилиб, у ҳам тортилади. Бунда үпканинг ҳажми кенгаяди. Бундай ҳаракат қайишқоқ үпка пуфакчаларини чўзишишга ундайди ва улардаги ҳаво атмосфера босими таъсирида ҳаво йўллари орқали ташқарига интилади.

**Тинч ҳолатда нафас олиш.** Бу процесс қовургалараро нафас олиш мускуллари ҳамда диафрагманинг бир вақтда қисқариши туфайли вужудға келади. Қовургалараро мускуллар қисқариб қовургаларни күтаради, бунинг натижасида күкрак бұшлығи кенгаяди ва унинг ҳажми катталашади. Айни бир вақтда диафрагма мускуллари ҳам қисқаради. Унинг сатҳи камаяди ва диафрагма камроқ бўртиб чиққан бўлади. Мана-шу туфайли күкрак бұшлыгининг ҳажми вертикал томонга ҳам катталашади.

**Тинч ҳолатда нафас чиқариш.** Бу процесс қовургалараро мускуллар ҳамда диафрагманинг бұшаши туфайли вужудға келади. Бунда қовургалар пастга тушади, диафрагманинг бўртиқлиги ортади ва күкрак бұшлыгининг ҳажми нафас олишдан олдин қандай ҳолатда бўлса, яна шундай бўлиб қолади. Шунинг учун маълум миқдордаги ҳаво үпкадан ҳаво йўллари орқали чиқарилиб юборилади.

Нафас олиш ва нафас чиқаришга оид машқни 5 мартағача нафас олиб нафасни аста-секин чиқаришдан бошлиш керак. Сўнг нафас олиб, нафас чиқариш сонини 15 тарағача ошириш мумкин. Бу машқлар устида 2—3 ҳафта ишлаш керак, бу жараён ҳеч қандай зўр беришсиз ва қўлининг механик ёрдамисиз нафас олинаётгани сезилмагунча давом этаверади. Сўнг нафас олишнинг бу йўлини

товуш устида мустақамлаш керак. Бунда хотиржамлик билан нафас олиб, оқиста нафас чиқарилади, нафас чиқарилаётганда: Ф..., С..., Ш..., Х..., товушлар узоқ талаффуз билан айтилади. Сүнг бир нафас чиқаришда иккита товуш Ф...Ф..., Ф...Ш..., Ф...Х..., С...Ф..., С...Ш..., С...Х..., кейин уттадан Ф...С...Ш..., ва түрттадан Ф... С... Ш... Х... товуш талаффуз қилинади. Асосан, товуш ҳеч қаерда узилиши керак әмас, бир товуш иккинчисига боғланиши керак.

Яңги товушлар бир-бирига құшилиши билан нафас чиқарышни аввалгисига нисбатан узайтириш лозим.

Тутилиб гапирмайдыган одамларда нутқий нафас ривожланиши автоматик равишда ҳосил бўлади. Тутилиб гапиришда нутқий нафас бузилади, шунинг учун уни онгли равишда автоматлаштиришни йўлга қўйиш зарур.

Нутқ учун нафас чиқаришнинг маъқул тури пастки диафрагмали нафас чиқаришdir. Нафас чиқаришнинг бу турида ўпканинг энг кенг қисми ва диафрагма, шунингдек пастки қовурга ҳам иштирок этади. Тўгри нафас олишни қайта ишлаш учун ҳар куни нонуштадан илгари ва кечқурун уйқудан ярим соат олдин шуғулланиш керак. Нутқий нафаснинг талаблари қўйидагича:

нафас олмай туриб гапиришни бошламаслик керак; фақат нафас чиқарилаётгандагина гапириш лозим. Нафас чиқариш ва нафас олишни фақат оғиз орқали бажариш керак;

нафас олиш шовқинсиз, секин-аста бажарилади. Нафас чиқариш чўзиқ ва тежамли бўлишини унутмаслик керак;

нафас олиш пайтида қорин ва пастки ўпка женгайтирилади: нафас чиқариш пайтида қорин тушириллади, ўпка эса аввалги вазиятни эгаллайди;

нафас чиқариш пайтида кўкрак актив иштирок этмайди, у нафас олаётганда кўтариilmайди ва нафас чиқарилаётганда тушириlmайди. Елкалар ҳаракатсиз бўлиши лозим;

нафас олишдан кейин дарров нафас чиқаришга ўтилади ва пауза билан ажратилмайди. Яңги нафас олиш олдидан ўрта ҳисобда 2—3 секунд тўхталиш зарур;

чиқарилган ҳавони асосан унли товушларга сарфлаш керак;

бир нафас чиқаришда 3—4 сўздан ортиқ талаффуз қилиш ярамайди, шу билан бирга сўзни бирга қўшиб, би-

ринчисини иккинчисидан ажратмай, бир-бирига улаб талаффуз қилинади;

узун жумлаларни давом эттириш учун уларни мазмунли қисмларга ажратиш лозим ва жумлани давом эттириш учун, албатта нафас олиш керак;

нафас чиқаришда эҳтиёткорлик ва тежамкорликни унутмасдан ҳавони беҳуда сарфлашга ҳам йўл қўйилсин;

нутқий нафас олишда, бўйин, қўл, қорин, кўкрак мушакларининг таранг бўлишига йўл қўймаслик лозим, акс ҳолда соғ ва енгил овоз чиқариш имкониятига эришиб бўймайди.

### ОВОЗ

Овоз ва нутқнинг ӣарча жараёнини бош мия бошқаради. Ундан келган сигнал натижасида овоз ва муайян товушлар пайдо бўлади. Энергетик система (бунга нафас органлари киради) ёрдамида пайдо бўлган овоз «ҳайдаб» чиқарилади ва резонатор системаси ёрдамида кучлантирилади.

Овоз пайчалари ҳиқилдоқ ичига жойлашган. У учбурчак шаклда тузилган ҳиқилдоқнинг орқа (томуқ) қисмидан икки тасма шаклида бошланиб, бўртиб турган олдинги бурчакка келганда учлари бирлашади. Овоз пайчалари оралигига пайдо бўлган ёриқ, овоз «дарчаси» дейилади.

Овоз пайчалари киши гапираётган пайтда, гапиравчанинг эҳтиёжига кўра тез-тез узайиб-қисқарип туради. Пайчалар қанчалик тортилса, овоз шу қадар ингичка ва қаттиқ чиқади, яъни товуш қанчалик юқори даражага кўтарилиган бўлса, овоз пайчалари шу қадар қисқарип боради. Бу жараёнда икки ёндан ўраб олган кемирчакларнинг фаолияти ошади. Паст овозда гапирган пайтда, кемирчаклар ва ҳиқилдоқнинг тебраниб туриши ташқи томондан ҳам сезиларли даражада бўлиб, овоз пайчалари билан бирга тебраниш суръати ошади.

Пайчаларда пайдо бўлган товушлар қайтаргич (резонатор)ларга урилиб қайтгандан кейингина овоз шаклини олади. Қайтаргичларсиз товуш кучсиз ва ифодасиздир.

Киши организмидаги қайтаргичлар жумласига қаттиқ тўқималардан иборат қисмлар—кўкрак қафаси (сүяклар), бош суюги, бурун тоғайлари, бурун бўшлифи, тишлар, юз суюклари, елка кураклари, жағ суюклари киради.

## АРТИКУЛЯЦИЯ

Нутқ жараёнида лаб, жағ, тилнинг турли шакллардаги ҳаракатига артикуляция дейилади. Артикуляцион машқлар асосан, ана шу талаффуз аъзоларининг фаолиятини активлаштиришни, кейинги иш жараёни бўлган нутқда товушларнинг аниқ талаффузини таъминлашни назарда тутади. Нутқ органларининг мўътадил ва нормал меъёрини таъминловчи машқлар асосан қуидаги лардир:

1. *Юқори лаб машқи*, бир вақтда икки ёнга ва юқорига тортилади, «табассум» ҳолати пайдо бўлади. Худди шундай активлик билан тортилади ва юқори тишлар устти ёпилади.

2. *Пастки лаб машқи*. Юқоридаги тартиб айнан пастки лаб воситаси билан бажарилади. Бунда жағнинг қимирламаслигига алоҳида эътибор берилади.

3. *Бирлаштирувчи машқ*. Юқорида эслатилган машқлар яхши ўзлаштирилгач, биргаликда бирин-кетин бажарилади. Бунда бир марта юқори лаб, кейин пастки лаб, яна юқори лаб ва ҳоқазо тартибда такрорланади. Умумий манзара — тишлар қаторини лаблар воситасида навбатма-навбат «артиш» эслатилади.

4. *Умумий машқ лаблар* О товушини талаффуз этаётгандек ҳажмда очилади ва олдинга чўзилади, кейин у товушини талаффуз этиш ҳолатигача қисқартирилади, шу ҳолда тишлар оша оғиз бўшлиғи томон қайтирилади, кейин иккала лаб тишлар қаторини «артган» каби икки томонга тортилади ва яна олдинга чўзилиб бошланғич О шаклига келтирилади. Умумий манзара И—О—А—У—У—И товушларини овозенз, фақат артикуляция воситаси билан бажарилаётганга үхшаб туради. Машқ бир неча марта такрорланади.

5. *Юқори лабни «тараш» машқи*. Юқори лаб имкони борича икки ёнга тортилган ҳолда (тишлар оша) ичкарига қайтирилади; жағ бир оз олдинга ҳаракат қилиб пастки тишлар қатори билан лабларни юқорига «тарай» бошлайди.

6. *Пастки лабларни «тараш» машқи*. Юқори тишлар қатори ҳаракат қобилиятидан маҳрум этилганлиги туфайли, пастки лаб жағ тишлари қатори оша ичкарига қайтирилади ва тишлар сиқуви оралигидан чиқиб «таралади», бу машқлар навбатма-навбат такрорланади.

7. *Лабларни чўччайтириш машқи.* Тишлар қатор бир-бирига зич ёпишган ҳолда, лаблар ўзидан узоқ турган нарсага ҳаракатлангандек олдинга чўзилади, кейин чуқур илжайниш ҳолатида икки ёнга тортилади. Машқ бир неча марта такрорланади.

### ТИЛ МАШҚЛАРИ

1. *Тилни чиқарииш ва тортиши машқлари.* Бу машқда тил «тарновча» этилган ҳолда (тилнинг икки чеккаси юқори кўтарилиб, оралиғида «тарновча» ҳосил қилинади) имконият борича олдинга чўзилади ва юқори милларни, кейин танглайни силаб ўтиб, томоққа чуқур қайрилади. Машқ бир неча марта такрорланади.

2. *Лабларни ялаш машқи.* Тил учи эркин турган лаблар доирасини аввал бир томон, сўнг қарама-қарши йўналишда «ялаб» чиқади. Машқда тилдан бошқа барча органлар осойишта туриши лозим. Машқ бир неча марта такрорланади.

3. *Юзларни туртиши машқи.* Тил учи ичкаридан юзларни навбатма-навбат туртиб туради.

4. *Тилни айлантириши машқи.* «*Тиш тозалаш*» лаблар юмуқ ҳолда, тил учи тишлиларнинг атрофини бир томонга сўнгра қарама-қарши йўналишда доира шаклида айланаб чиқади. Машқда тишини тозалаш ҳолати бажарилади.

5. *Тилни «тишлаши» машқи.* Тилни тепа ва пастки тишлилар орасига олиб уни бир неча бор тишлаш ҳаракати қилинади.

### ЖАФ МАШҚЛАРИ

1. «*Эснаш*» вазияти машқи. Тил ясси ва эркин бўлиб, уч томонда пастки тишлилар қаторига тегиб туради, жаф бир оз пастга туширилиб, айни замонда енгилгина нафас олинади; кичик тил ёйилиб юқорига кўтарилади ва ширин «*эснаш*» пайдо бўлади.

2. *Жағни олдинга ҳаракат қилдириш машқи.* Жағ бир оз пастга туширилади ва олдинга, орқага қараб ҳаракат қилинади.

3. *Жағни икки ёнга ҳаракат қилиш машқи.* Юқоридағи машқ ҳолатида жаф икки ёнга шошилмай бориб келади. Машқ бир неча бор қайтарилади.

4. «*Кавш қайтариш*» маниқи. Аввалги машқ ҳолатида жаф ўнгга, пастга, чап томонга ва ҳқорига кўтарилиб

доира ясайди ва шу ҳаракат тескари йұналишда ҳам қайтарилади. Машқлар бажарилғанлыгини логопед үзи болага күрсатади ва машқларни ойнага қараб аниқ бажарилишини талаб этади.

### ХИСОБ МАШҚЛАРИ

1. 1 дан 21 гача ва тескари санаш, бир нафас чиқариша 3 та сонни айтиш.

Масалан: Нафас олиб: бир — икки — уч — пауза

Нафас олиб: түрт — беш — олти — пауза

2. 1 дан 100 гача ва 100 дан 1 гача тескари санаш икки сонда бир нафас чиқариш.

3. 20 дан 100 гача санаш ва тескари санашда жуфт сонларни айтиш, икки сонда бир нафас чиқариш.

Нафас олиб: йигирма — йигирма икки — пауза

Нафас олиб: йигирма түрт — йигирма олти — пауза

4. 21 дан 100 гача тоқ сонларни санаш, икки сонда бир нафас чиқариш.

Нафас олиб: 21 — 23 пауза

25 — 27 пауза

29 — 31 пауза ва ҳоказо.

5. 20 дан 120 гача санашда 3 ва 5 сонларини құшиб санаш.

Нафас олиб: 20—23 пауза

26—29 пауза

32—35 пауза

Нафас олиб: 25—30 пауза

30—35 пауза

6. 100 дан 1000 гача санашда 10 сонини құшиб икки сонда нафас чиқариш.

Нафас олиб: 100—110 пауза

120—130 пауза

140—150 пауза

7. Ойларни талаффуз этиш:

Нафас олиб: январь—февраль—март

март—апрель—май—пауза ва ҳоказо.

### УНЛИЛАР ВА УНЛИ ТОВУШЛАР БИЛАН БОШЛАНУВЧИ СҮЗЛАР УСТИДА ИШЛАШ

Унли ва унли товушлар билан бошланувчи сүзлар устида ишлашда қуидагиларга алоҳида эътибор бериш керак.

Машқ ҳамиша нафас машқи билан бөгланган ҳолда олиб борилмоги лозим.

Машқ пайтида, мушаклар тортилувига йўл қўймаслик, ҳамиша эркинликни сақлаган ҳолда машғулотни ойна олдида туриб бажариш лозим, чунки ҳар ким ўзининг артикуляцион аппаратини, нафас олишини кузатиб туриши лозим.

Товуш, сўз ва текстлар қўлланиладиган машқларда овознинг турли вариантлари қўлланилиши мумкин:

1. Овозсиз — бунда мутлақо овоз чиқарилмайди, фақат товуш ва сўзнинг артикуляциясигина кўриниб туради.

2. Пичирлаш—овоз оғиз ва бурунга яқин эши билади, бироқ кучайтирилмайди.

3. Ярим овоз — овоз жаранглаб, бир оз кучайтирилди.

4. Тўлиқ овоз — бақириш даражасига ўтмайдиган, резонаторларга йўналтирилган овоздир.

#### Унли товушлар учун машқлар

Унли товушлар оғиз бўшлигига ҳеч қандай тусиққа учрамай, фақатгина лаб, жағ ва тилнинг турлича шаклланиши натижасида пайдо бўлади. Талаффуз этилганда ҳаво оғиз бўшлигига тусиқларга учрамай, овоздангина ҳосил бўладиган товушлар унли товушлар деб аталади. Ҳозирги замон ёзма ўзбек адабий тилида 6 та унли фонема бор.

И, Э, А, О, У; Ү

Аммо талаффуз пайтида унлилар сони варианты билан 10 ва ундан ҳам кўпроқ эканлиги кўринади.

1- машқ. Ҳар бир товушни овозсиз, пичирлаб, ярим ва тўла овоз билан талаффуз этинг:

а	_____
э	_____
о	_____
у	_____
ў	_____
и	_____
е	_____
ё	_____
ю	_____

*a* *aa* *aaa* *ee* *eee* *oo* *oo* *uu* *uuu*

2-машқ. Товушни овозсиз бошлаб тўла овоз билан тамомланг.

*a* *aa* *aaa* *ee* *eee* *oo* *oo* *uu* *uuu*

3-машқ. Товушни тўла овоз билан бошлаб, овозсиз тамомланг.

*a* *aa* *aaa* *ee* *eee* *oo* *oo* *uu* *uuu*

4-машқ. Товушни тўла овозда бошлаб, пичирлаб айтишга ўтинг ва яна қайта тўла овозда тамомланг.

## ТОВУШЛАР БИРИКМАСИ

Ҳар бир товуш устида машқ қилишни тугатгач, товшлар бирикмаси устида машқ қилишга ўтилади. Бу машқларни осойишта, узоқ, юмшоқ ва ёйиқ овоз билан талаффуз этаётганда икки унли товуш ёки бир неча товушларнинг бир-бирига осойишта туташишини кузатиб бориш зарур. Бир товушдан иккинчисини талаффуз этишга ўтилганда овоз титраши ва узилиши керак эмас.

Барча унли товушлар бирикмаси бир хил чўзиқликда давом этиши лозим.

Товушларнинг бир-бирига қўшилиши туташишини белги —/лига/ билан белгилаймиз.



## Икки унли товуш бирикмаси

1/ икки унли товушни овозсиз аниқ талаффуз этинг.

2/ енгил ва эркин нафас олиб, нафасни осойишта чиқара туриб, икки унли товушни узоқ ва бирга қўшиб талаффуз этинг. Ҳар бир талаффуздан сўнг шошманг ва узоқ дам олинг.

Бу машқларни ойна олдида туриб ва ўтириб бажаринг. Артикуляциянинг аниқлигига, нутқ нафасига эътибор беринг, керак бўлмаган ҳаракатларга йўл қўйманг.

Машқларни тинч ҳолда шошмай, кунига 2—3 марта бажаринг.

аэ	эа	оа	уа	иа	яа	еа	ёа	юа
ао	эо	оэ	уэ	иэ	яэ	еэ	ёэ	юэ
ау	эу	оу	уо	ио	яо	ео	ёо	юо
аў	эў	оў	уў	иў	яў	еў	ёў	юў
аи	эн	он	ун	ин	ян	ен	ён	юн
ая	эя	оя	уя	ия	яи	еи	ёи	юи
ае	еен	ое	уе	ие	яе	ея	ёя	юя
аё	ёен	оё	уё	иё	яё	её	ёё	юё
аю	эю	ою	ую	ию	яю	ею	ёю	юю

## Учта унли товуш бирикмаси

Бу товуш бирикмаларини талаффуз этиш принципи икки унли товуш бирикмасини талаффуз этиш билан бир хил. Бунда ҳам артикуляцияга, овозга, нафас олиш ва чиқаришга эътибор бериш ва машқ учун кўпроқ вақт ажратиш керак бўлади.

аэо	эао	оаэ	уаэ	уаэ
аоу	эоу	оэу	уэо	ўэо
аўў	эўў	оўў	уўў	ўўу
аўй	эўи	оўи	уўи	ўўи
ания	эня	оня	уня	ўния
ауе	эяе	оје	ује	ўје
аоё	ёеё	уёё	уёё	ўёё
аёю	ёёю	оёю	уёю	ўёю
маэ	яаэ	ёая	ёаэ	юаэ

и	е	о	я	ю
ноу	яоу	соу	еоу	юоу
иүү	яүү	еүү	еүү	юүү
иүя	яүи	еүн	еүи	юүи
иыс	яис	еиे	еия	юия
иёэ	яёэ	яиё	еёе	юяе
еёо	яею	еюю	еёю	ююё

## Түртта унли товуши бирикмасы

Юқоридаги шартлар үз күчида қолған ҳолда, нафас олиш бир оз күчаяды, күпрок ұаво олинади.

аэоу	еаоу	оаэу	уаэо	үаэо
аоуў	еоуў	оэуў	уэоў	үэоў
ауня	еоня	оўня	уўня	йўня
аине	еине	еняе	уняе	үняе
аяей	ярэй	уяеē	үяес	ијасе
аею	еесю	оёю	үесю	үёю
наэо	ялаэо	еаэо	ёюэо	юаэо
иэоу	яэоу	еэоу	езоу	юэоу
иуўя	яуўи	суўп	ёуўн	юуўи
иүне	яйне	еүни	ёүни	юния
ияес	сияе	еняо	юняе	
иесю	иесю	еесю	юаёю	еясю

## Машквариантлари

- 1) мартаан аээ ёёё ююю  
 3 мартаан аааээ ёёёёё ююююю  
 4 мартаан ааааааа ёёёёёё юююююю  
 5 мартаан ааааааа ёёёёёёё ююююююю

2) оооооо оооооо ююююю  
 оооооо оооооо юююююю

аәоәоәоәоәо  
 яәәәәәәәәәә  
 юәәәәәәәәә  
 эәәәәәәәәә  
 аәуәүәүәүәү  
 еүүүүүүүүү  
 яәүүүүүүүү  
 еүүүүүүүүү  
 аәуәүәүәүәү  
 еүүүүүүүүүү

## УНЛИ ТОВУШЛАР БИЛАН БОШЛАНУВЧИ СҮЗЛАР

*Унли А товуши билан бошланувчи сүзлар.*

Ари, аёл, ақл, асал, ака, амал, адаш, адёл, ариқ, арпá, appa, анор, арча, айёр, айиқ, асар, анжир, арава, астар, афсона, ашула, атом, арқон, арслон, аълочи, апрель, артист, айвон, Акром, Алишер, атиргул, авария, Англия, Андижон, адабиёт, автобус, автомат, ассалом.

а—а—ари	ари—ариқ—ариқча
ари—ари—ариқ	аёл—ариқ—Англия
аса—аса—асал	асар—анор—арча
ама—ама—амал	асал—амал—ашула
ада—ада—адаш	анжир—апрель—афсона
ар—ара—арпа	айёр—айиқ—арпа
ано—ано—анор	Акром—айвон—авария
ашу—ашу—ашула	арқон—артист—аълочи
аса—аса—асар	атом—азиз—асал
ато—ато—атом	ақл—акс—арслон
ассалом—ассалом—	автомат—автомат—
ассалом	автомат
авария—авария—	Африка—Африка—Африка
авария	

*Унли э товуши билан бошланувчи сүзлар*

Эга, эл, эрк, эс, эвара, Эркин, этик, эчки, эрта, эгар, этак, эгов, Эргаш, эркак, эллик, эпчил, электр, эрмак, Эрмат, эсадалик, эълон, эгачи, эгизак, эртак, эрка, этик, эгоист, экран, эллипс, эмас, энергия.

э—э—эга	эка—эка—экан
эга—эга—эгар	эла—эла—элак
эга—эга—эгат	эн—эн—энага
эва—эва—эвара	эма—эма—эмас
эги—эги—эгизак	эри—эри—эритма
эга—эгат—эгар	эр—эрк—эрта
экин—этик—эрта	эгов—эгар—эълон
Эркин—Эргаш—Эрназар	энса—эмаш—экран

этак—эртақ—эркак  
эрка—эрмак—эртак  
ес—ески—если

эгачи—эгизак—эълон  
эсиз—эсер—эски  
экин—экинли—экинзор

### Үнли О товуши билан бошланувчи сүзлар

От, ош, ов, оч, опа, овчи, овоз, овл, ойна, она, орден,  
овқат, одат, ожиз, озиқ, озор, ойна, отряд, осмон, олма,  
олча, олмос, олов, орзу, орол, оташ, отиш, оқиш, оҳак,  
оҳу, одоб, олтин, ошпаз, олхўри, ошқозон, олмахон,  
Омон, ошқовоқ, офтоб, ошиқ, ошна.

о—о—ов  
а—а—аа—ота  
ола—ола—олти  
опа—опа—опам  
ова—ова—овчи  
ола—ола—отам  
ода—ода—одам  
ота—ота—отам  
обод—ободон—обдаста  
озод—озод—озода  
ов—овоз—овоза  
ов—овлоқ—овора  
овқат—осмон—олхўри  
одам—одат—орзу

олма—олма—олма  
олти—олти—олти  
олам—олам—олам  
олим—олим—олим  
офтоб—офтоб—офтоб  
олча—олча—олча  
озиқ—озиқ—озиқ  
оташ—оташ—отишма  
одим—одим—одилона  
олам—олий—ойна  
озиқ—озмоқ—озор  
олов—озмоқ—озор  
олов—орол—олмос  
оқим—оҳак—оҳу

### Үнли У товуши билан бошланувчи сүзлар

Ун, упа, увада, увоқ, угра, удум, узоқ, узр, узуқ,  
узум, узумзор, уй, уйма, уйқу, уйғур, укроп, улгуржи,  
улкан, улов, улоқ, улуғ, улфат, умид, умр, унвон, улиш,  
урғу, уста, устоз, усул, учқун.

у—у—я  
яя—яя—уят  
ува—ува—увада  
уво—увоқ—увоқ  
устара—устара—устара  
учта—учта—учта  
устав—устав—устав  
уву—уву—увун  
узу—узу—узум

уло—уло—улоқ  
уми—уми—умид  
уста—уста—уста  
умоч—умоч—умоч  
учқун—учқун—учқун  
укроп—укроп—укроп  
улоқ—улоқ—улоқчи  
узоқ—узоқ—узумзор  
узуқ—узун—узунчоқ

### Үнли Ү товуши билан бошланувчи сүзлар

Үн, үқ, үжар, үзаи, үлим, үйна, үзбек, үпка, үйни,  
үйла, үрмон, үроқ, үйинчиқ, Үктам, үлка, үлмас, үлчам,  
үрам, үрда, үрим, үртоқ, үчоқ, үгил, үгит, үгри.

үжа—үжа—үжар	үй—үнг—үпка
үр—үр—үрмон	үрик—үрам—үрда
үчо—үчо—үчоқ	үтоқ—үроқ—үлим
үпка—үпка—үпка	үгил—үгит—үрим
үт—үн—үқ	үзга—үзалик—үзгариш
үқ—үз—үр	үй—үйинчи—үйинчи

### Үнли И товуши билан бошланувчи сүзлар

Исм, иснод, икроф, иссиқ, истак, иш, илм, инишо,  
инпора, ижод, иззат, изох, илон, игна, илгак, идиш, ит,  
икки, идора, инженер, институт, интернат, Испания,  
Италия, имтиҳон, ишора, ишхона, ишқ.

из—из—изоҳ	иҳ—иҳ—иҳлос
ип—ип—ипак	ижод—ижод—ижод
иф—иф—ифлос	иззат—иззат—иззат
ис—ис—исм	инсон—инсон—инсон
ин—ин—иншо	

### Үнли Е товуши билан бошланувчи сүзлар

Ер, ел, енг, ечим, енгил, енгсиз, елим, елин, елка,  
елкан, етим, етуқ, енгил, елиниш, елпигич, ертұла, ети-  
лиш, енгилтак, егизмоқ, ейилмоқ.

ели—ели—елим	елпигич—елпигич—
ер—эр—ерәнгоқ	елцигич
ела—ела—елка	етмиш—етмиш—етмиш
енгилмас—енгилмас—	елим—елим—елкан
енгилмас	есир—етим—елим
	ел—елим—елимламоқ

### Үнли Ё товуши билан бошланувчи сүзлар

Ён, ёв, ёр, ёг, ёвуз, ёзув, ёмғир, ёруг, ёмон, ёгоч,  
Ермат, ёлгон, ёрма, ёнғоқ, ёстиқ, ётоқхона, ёқут, ёғии,  
ёник, ёзма, ёнбош, ёндош, ёритқич, ёрқин, ёлгончи.

ёв—ёв—ёвуз  
ёд—ёд—ёдгор  
ёқ—ёқ—ёқа  
ёзма—ёзма—ёзма  
ёмон—ёмон—ёмон

ёқут—ёқут—ёқут  
ёт—ётиқ—ётоқхона  
ёстиқ—ёқут—ёнғин  
ёвуз—ёвуз—ёввош

### Үнли Ю товуши билан бошланувчи сүзлар

Юнг, юмшоқ, юлдуз, Юсуф, юпқа, юрак, ютум, юзта,  
юмуш, юксак, юлғич, юмалоқ, юбилей, юбияр, юбка,  
ювнди, югурдақ, юзбоши, юмор, юнкер, юпун, юрист,  
юқори

юму—юму—юмуш  
юту—юту—ютуқ  
юри—юри—юриш  
юза—юза—юза  
юлдуз—юлдуз—юлдуз

ювош—ювош—ювош  
юмуқ—юмуш—юмшоқ  
ювош—юмшоқ—ювмоқ  
юрт—юрак—юракли

### Үнли Я товуши билан бошланувчи сүзлар

Яра, якка, яхна, яксон, яхоб, яктак, ядро, якун, ялла,  
яшик, якшанба, яйлов, яшил, ягона, ялмогиз, ялпиз, ям  
ок, япроқ, яйлов, якандоз, яланғоч, ярмарка, ясовул,  
яхлит, ячейка.

яш—яши—яшил  
яла—яла—яланг  
ямо—ямо—ямоқ  
яланг—яланг—яланг  
ялла—ялла—ялла

яхши—яхши—яшин  
ялқов—япроқ—яйлов  
эмөқ—ялқов—яйлов  
яра—яраш—яраша

### Иборали нутқ устида ишлаш

Иборали нутқ устида ишлаш тутилиб гапиравчилар  
билан олиб бориладиган логопедик ишиниг мураккаби  
ва узоқ давом этадигани ҳисобланади. Бу иш лого-  
педик машғулотларда ва уйда мустақил, узоқ машқ  
қилишни талаб қиласы. Нафас олишни, товуш чиқа-  
ришни, аниқ артикуляцияни бирга құшиб олиб борува-  
чи системали машқлар воситасыда тутилиб гапиравчи-  
ларда ибораларни ортиқча титроқ ҳаракаттарисиз  
тузиш, ули маңноли қысмларга әжрятыб ғашырыш кү-  
никмалари тарбияланади. Бу босқычда феълларин түс-  
лаш фейдалидир, туслаған феъллар фиштироқида жум-  
лалар тузилади. Бундай машқларда түғри нутқ күник-

малари мустаҳкамланади, чунки ҳар бир жумла олти марта тақрорланади. Бундай машқлар янгидан-янги иуткىй күннекмаларниң одатта айланиб қолишига ёрдам беради.

### Унли А товуши билан бошланадиган иборалар

Альпинистлар тоқقا чиқдилар.  
Алишер музейга борди.  
Атиргул — ҳидли үсимлик.  
Аквариумда балиқлар бор.  
Акам мактабда ўқыйди.  
Афсуски, ёмғир ёғди.  
Акбар китобни севади.  
Апрелнинг дастлабки кунлари.  
Акром санаторийдан кечача келди.  
Автобус остановкасида одам күп.  
Адабий кечани ўқувчи — Баҳодир очди.  
Атроф баланд төглар билан ўралган.  
Ариқдан майин оҳанг билан сув оқарди.  
Алишер Навоий Астрободга жўнаб кетди.  
Асрорқул узоқдаги кўм-кўк адирларга тикилди.

### Мақоллар

Ақл ёшда эмас, бошда.  
Ақл Ҳасандир, одоб Ҳусандир.  
Ақлнинг ўлчови — идрок.  
Ақлингга ақл қўш,  
Жаҳлингга сабр.  
Аччиқ савол бериб,  
Ширин жавоб кутма.

### Унли Э товуши билан бошланувчи иборалар

Эшикнинг бир табақаси гичирлаб очилди.  
Эркин ўртоғини ўзининг хонасига олиб кирди.  
Эргаш акани мен чақыртирган эдим.  
Эрта баҳорда дараҳтлар куртак чиқаради.  
Эсди кучли шамоллар, изғириналар, буронлар.  
Эрталабки салқин ҳали кўтарилгани йўқ эди.  
Эльбурс тогининг энг юқори чўққисига совет аль-  
пинистлари чиққан.

Эшик очилиб, нотаниш одам кириб келди.

Эккан күчтегелим илдиз отсин деб, унинг атрофини юмшатдим.

Эшик олдида турган Баҳриддин чопиб уйга кирди.

Эрталаб Фотима опа болаларни мактабга отлантиради.

Эргашев эрта кузда тўсатдан ўқишига кетадиган бўлиб қолди.

### Мақоллар

Элга қўшилганнинг кўнгли тўқ,

Элдан ажралганнинг бети йўқ.

Эскисиз янги бўлмас, ёмонсиз яхши бўлмас.

Эринчилик бошга бало келтирас.

Эрка тутса онаси — талтаяди боласи.

Эшик очиқ бўлса ҳам сўраб қир.

Эсинг борида эл тани, кучинг борида ер тани.

### Унли О товуши билан бошланувчи иборалар

Ошиаз овқат пиширади.

Одил кечикиб келди.

Осмонин булут қоплади.

Оппоқ пахталарни тердик.

Одесса денгиз портидир.

Отам колхозда ишлайди.

Овчи овдан қайтиб келди.

Олтин, қимматбаҳо металл.

Олим акасидан хат олди.

Оқ капитар — тинчлик символи.

Опамнинг ўғли мен билан бирга ўқиди.

Опам тезроқ келсин деб, мен Ойқизчи юбордим.

Ота-онамиз учун биз душмандан қасос оламиз.

### Мақоллар

Она юртинг омон бўлса —

Ранги рўйинг сомон бўлмас.

Отанг борида йўл тани,

Ақлинг бор, эл тани.

Одам борки, дамларнинг нақшидир,

Одам борк, ҳайвон ундан яхшид.

### Унли У товуши билан бошланувчи иборалар

Убайдулло сўзининг устидан чиқди.

Улар беш огайни эди.  
 Умрзоқ балиқ овиии севувчи киши эди.  
 Улуг Ватанимизга шон-шарафлар бўлсин.  
 Ўйимизга телефон ўрнатишди.  
 Уста Умар меҳмонларни қарши олди.  
 Умринисанинг оиласидан бошқа ҳеч кими йўқ.  
 Ўзукининг кўзи қимматбаҳо тошдан эди.  
 У имтиҳонга яхши тайёрланди.  
 Улар ҳар томонга тарқалишиб кетишли.  
 Умидим шул: келсин у тезроқ омон.  
 Умарали уйига келиб, яна ҳаёл сурा бошлади.  
 Умумий мажлис қарори бир оғиздан қабул қилинди.

### *Мақоллар.*

Ўйида роҳати йўқнинг Кўчада фарогати йўқ. Ўйинг тор бўлса ҳам, Кўнглинг кенг бўлсин. Умри иш эмас, ғам емиради.	Унумли меҳнат келтирас давлат. Узоқдагп қўйруқдан Яқиндаги ўпка яхши. Умид қилган етар муродга Ҳасад қилган қолар уят
--	--

### *Үнли ў товуши билан бошланувчи иборалар*

Ўйин-кулги авж олди.  
 Утлар орасида чумчуқлар чуғурлашади.  
 Ўзбекистонда янги кўмир кони топилди.  
 Ўқитувчи бизга китобдан фойдаланишини ўргатди.  
 Ўқтам қизғин ва баланд руҳ билан теримга киришди.  
 Ўткир бўш кетаётган машинага шошиб-пишиб қўл  
 кутарди.  
 Ўқиймиз, ишлаймиз халқимиз учун.  
 Ўз қишлоғини Элмурод кўнглидан ҳеч қачон чиқар-  
 мас эди.

### *Мақоллар*

Ўқиган ўғил — отадан улуғ. Ўқишининг эрта-кечи бўлмас. Ўтмас пичоқ қўл кесар. Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир.	Ўғли борнинг ўрни бор, Қизи борнинг қадри бор. Ўрганиш осон, ўргатиш қийин.
---	--

## *Унли И товуши билан бошланувчи иборалар*

Идорада ҳеч ким йүқ эди.

Илмий бўлим мудири интизом ҳақида гапирди.

Ишга кетадиган вақтим бўлиб қолди.

Институт ҳузурида сиртқи бўлим бор.

Ишчилар шаҳарчаси қурилмоқда.

Илмий-атеистик пропагандани кучайтирамиз.

Имтиҳон сессиясп тугади, каникул бошланди.

Ишонамизки, коммунизм ғоялари ер юзида галаба қиласади.

## *Мақоллар*

Иш ёқмасга иш буюрсанг,

Сенга ақл ўргатар.

Иғвогарнинг ўзи ёмон,

Ўзидан ҳам сўзи ёмон.

Илмсиз — бир яшар,  
Илмлик минг яшар.

Иш — иштаҳа очар,

Дангаса ишдан қочар.

Ишлаб топганинг оши лаззатли.

## *Унли Е товуши билан бошланувчи иборалар*

Елкамиздан тоғ ағдарилди.

Ерларнинг шўрини ювиш керак.

Етилган шолилар машина билан терилди.

Етти кеча-ю, етти кундуз ёмғир ёғди.

Ефим Данилович уйида кечки мажлисга тайёрланаётган эди.

Ердан кўм-кўк майсалар униб чиқди.

## *Мақоллар*

Емсиз от довон ошолмайди.

Ер очганинг бахти очилар.

Ер — хазина.

Сув — гавҳар.

Етти ўлчаб, бир кес.

## *Унли Ё товуши билан бошланувчи сўзлар*

Ёз тунлари дала шийпони салқин бўлади.

Ёшлиқда ўқишининг кетидан қолма.

Еғингарчилік ўз вақтида бўлгани яхши.

Едгор унинг орқасидан илдам борарди.

Ермат бирдан отни тұхтатди.

Еш саёжатчилар қамишдан чайла қуриб олдилар.

Ез кунлари офтобда юриш фойдасиз.

Еқимли шамол кўм-кўк япроқларни секин шитирлатди.

Езувлар болаларга атаб ажойиб асарлар ёзадилар.

Ёмғирда ивиган Ваня чўкка тушиб ўтирган ҳолда ҳунграб йиғлай бошлади.

Еши етмишга яқинлашиб қолганига қарамай, Жабай ота ўзини тетик сезарди.

Едгор ўртоғига эртак айтиб берди.

Еш авлодни тарбиялаш — муҳим вазифа.

Езма равишда берилган саволлар жуда хилма-хил эди.

### Мақоллар

Ёшлигинда одат килсанг,

Қаригунча күникасан.

Ёлғончига қўшилма,

Рост сўзингни яширма.

Езга чиқиб от бўлур,

Ориқ деган ёмон той.

Ёшниң ҳурмати қарз,

Қарининг ҳурмати фарз.

Ёридан айрилган етти

йил йиғлар,

Элидан айрилган ўлгун-

ча йиғлар.

### Унли Ю товуши билан бошланувчи иборалар

Юсуф бадиий асарларни севиб ўқииди.

Юлдуз югуриб ташқарига чиқди.

Юнуснинг юзида кулгуга ўхшаш табассум пайдо бўлди.

Юриш қийин бўлмасин деб, биз йўлларни тузатдик.

Юлдузнинг юзи қизариб, қора кўзлари чақнар эди.

Юрак бақувват бўлса, иш ҳам унумли бўлади.

### Мақоллар

Юз амри ширин.

Юк кўтарган юзага

чиқар.

Юлгич юлиб тўймай-

ди,

Кирғич қириб қўй-

майди.

Юз йил ибодат қилган-  
дан кўра,  
Бир соат фикр юритган

афзал.

Юрти бойнинг — ўзи бой.  
Ютуқнинг калити — меҳ-  
нат.

### Унли Я товуши билан бошланувчи иборалар

Янграп шўх овоз, гўё яқин эди ғалаба.

Яйловда ўт сероб, қўйлар семиз, соғлом.

Яшасин ер юзидағи мустаҳкам тинчлик!

Янги заводда иш бошланди.

Янги иш методларини жорий қилмоқ керак.

Яча уч-турт километр йўл юрилгач, саккизинчи бри-  
гада дала шийпонида ионушта қилинди.

Янги командир — капитан Николин орқага силжи-  
масликка қарор қилди.

Яхши ўқишига ва онгли интизомга эътиборни яна ҳам  
кучайтириш керак.

### Мақоллар

Яхши рўзгор — жаннат,

Ёмон рўзгор — дўзах.

Яхши оғизга — ош,

Ёмон оғизга — тош.

Яхшилардан боғ қолар,

Ёмондан — доғ.

Яхши сўз — жон озиғи,

Ёмон сўз — бош қозиги.

Яхши ният — ярим мол.

### ТУСЛАШ УЧУН МАШҚЛАР

Логопедик машқларнинг бу босқичида феъллар тус-  
ланади. Бунинг натижасида тўғри нутқ қўнималари  
мустаҳкамланади, чунки ҳар бир ибора б мартадан так-  
рорланади. Бундай машқ янгидан-янги нутқ қўнимала-  
рининг одатга айланишига ёрдам беради. Масалан:

Мен китоб ўқидим.

Сен китоб ўқидинг.

У китоб ўқиди.

Биз китоб ўқидик.

Сиз китоб ўқидингиз

Улар китоб ўқидилар.

Мен бугун кинога бораман.

Мен электротехника билан шуғулланаман.

Мен ҳар куни машқ қиласман.

Мен пионер лагерида дам олдим.

Мен укам билан бозорга бордим.

Мен ҳунар мактабида ўқийман.

Мен Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Уйғун асарларини севиб ўқийман.

Мен деворий газетага мақола ёздим.

Мен шахтёр бўламан.

Мен Тошкент курилиши техникумида ўқийман.

Мен журналини Баҳромга бердим.

Мен русча текстни яхши ўқийман.

Мен мактабдошларим билан хат ёзишиб турман.

Мен соат олтиларда ишдан қайтаман.

Қуидаги намуналарга қараб иборалариň үзгартиринг:

Мени нутқ машқи хотиржам қилмоқда.

Сени нутқ машқи хотиржам қилмоқда.

Уни нутқ машқи хотиржам қилмоқда.

Бизни нутқ машқи хотиржам қилмоқда.

Сизни нутқ машқи хотиржам қилмоқда.

Уларни нутқ машқи хотиржам қилмоқда.

Мени бадий гимнастика қизиқтиради.

Мени группа бошлиғи қилиб сайлапди.

Мени адабиёт кечасыға таклиф этишди.

Мени замонавиј рассомлик қизиқтиради.

Мени илмий фантастика қизиқтиради.

Мени уйда хурсандчилик билан кутиб олишди.

Менинг нутқим сезиларли даражада үзгарди.

Менинг муваффақиятларимنى атрофдагилар сезишияпти.

Менинг артикуляциям сезиларли даражада аниқланди.

Менинг сиқилишним аста-секин йўқолди.

Менинг нутқим ифолали бўлмоқда.

Менинг тиришқоқлигим ишимда катта ёрдам бермоқда.

Менинг иродам меҳнатда мустаҳкамланмоқда.

Менинг сўз бойлигим ошмоқда.

Менга ифодали нутқ жуда ёқади.

Менга чиройли нутқ жуда ёқади.

Менга деворий газета чиқариш топширилди.

Менга янги фильм ёқди.

*Ундош товушлар билан бошланувчи иборалар*

Мақсадим инженер бўлиш.

Турмуш гўзал ва ажойиб.

Турғунинг отаси — ўқитувчи.  
Совет Ватанимиз — тинчлик таянчи.  
Биз тинчликни истаймиз.  
Пахта — халқ бойлиги.  
Баҳор билан яшнайди, чаман бўлиб далалар.  
Қитоб-билим манбаи.  
Шаҳар ва қишлоқлар обод бўлмоқда.  
Магазинда ҳар хил ёғлар сотилади.  
Поездимиз манзилга етай деб қолди.  
Пахта планни бажарилди,  
Дам олиш куни театрга бордик.  
Тинчлик — урушни енгади.  
Тажриба яхши иатножа берди.  
Тоғ орқасидан аста шамол кўтарилиди.  
Тонг аллақачон ёришган эди.  
Ҳар куни эрталаб физкультура билан шуғулланамиз.  
Физкультура машғулотларини жуда севамиз.  
Тошкент — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг пойтахти.  
Турсуной Охунова — машҳур механизатор.  
Кучли бўрон дараҳтларни тебратди.  
Кўкдан баҳорнинг марварид томчилари тома бошлиди.  
Дараҳтлар япроқ ёзди.  
Шамол уларни олқишилаб сескин-сескин тебратди.  
Кечак ёғиб ўтган ёмғир ўтларнинг қулоғидан тортгандай бўлди.  
Табнат гўзал тусга кирди.  
Ўқиши олти соат давом этди.  
Ҳаммамиз мустақил мутолаа қиласиз.  
Бадий асарларни ўқиб турамиз.  
Ҳаёт курашсиз бўлмайди.  
Қуш кўкда қанот қоқмоқда.  
Боғчада қушлар ёқимли саўрамоқда.  
Кишини завқлантирувчи куй эшитилмоқда.  
Денгизда елкан сузмоқда.  
Баҳор анча кеч бошланди.  
Сунгги ҳафта совуқ бўлиб турди.  
Бирдан илнқ шамол эсади.  
Булутлар юра бошлиди.  
Кундуз бўрон бўлиб, ёмғир ёғди.  
Сунгра шамол тўхтади.  
Кўкини қуюқ туман қоплади.

Сувлар ҳамма ёқдан шариллаб оқа бошлади.  
Кечга бориб туман тарқалди.  
Булутлар ҳар томонга тарқалиб кетди.  
Чинакам баҳор бошланди.  
Дараҳтларда куртак күрина бошлади.  
Күм-күк ўтлоқлар устида түргайлар чуғурулай бошлади.  
Шұх болалар далаларга чопиб кетдилар.

### ИҚКИ ПАУЗАЛИҚ ИБОРАЛАР

Студентлар жуда әрта турадилар, / совуқ сувда яхшилаб ювинадилар.

Қорамтири осмон ёришиб, / тиник күкда оқ булат парчалари күринди.

Боғдаги дараҳтларнинг барглари қуёш нурида ялтирайди, / шохларидан құшлар сайдайды. Бизни машинаға таклиф қилишди, / Умарали рулга утирди. Ҳамма ёқни оппоқ қор қоплаган, / күркам қиши манзараси. Студент билетдеги саволларға ўйлаб, / дадил жавоб қайтарди. Майин тоңғ шабадаси ранг-баранг гулларни секии тебратиб, / атрини ҳар ёққа сепді. Соат саккыз бүлди, / студентлар аудиторияларға кириб кетдилар. Иккинчи құнғироқдан кейин үқитувчи кирди, / машғулот бошланди. Кецикиб кирган қиши, / әнді күн сайин совуғини кучайтира бошлаган әди. Биз ищчимиз, меңнатчимиз, / биз ҳам инсон ўғлимиз. Халққа хизмет қилиш керак, / халқ ишончини қадрлаш лозим. Юлдуз онасининг гапига қотиб-қотиб күлгиси келса ҳам / кампирнинг жаҳлидан қүрқиб үзини аранг тутди. Электр чироқлари уч марта үчиб-ёнді ниҳоят, / сахна, очилди. Кимки халқ билан бирга бұлишни истаса, / у ҳамиша партия билан бирга бўлади. Қирқдан ортиқ достон борки, / улар Гўрўғлиноми билан bogлиқdir. Сўзда қанча уили товушлар бўлса, / бўғинларнинг сони ҳам шунча бўлади. Бизнинг улуг баҳтимиз шундаки, / бизга Коммунистик партия раҳбарлик қиласи.

### Мақоллар

Булбул чаманин севар,  
Одам Ватанин.  
Билмаганин сўраб ўрганган — олим  
Орланиб сўрамаган — үзига золим,  
Буғдой нонинг бўлмасин,  
Буғдой сўзинг бўлсин.

Болани ёшдан асра,  
Ниҳолни бошдан.

Бирлаптган дарё бўлар,  
Тарқалган ирмоқ.

Бирорга ўлим тилагунча,  
Ўзингга умр тила.

Бемеҳр қариндошдан  
Меҳрибон дўст яхши.

Бирорнинг ҳолига кулмагин зинҳор,  
Сенинг устингдан ҳам кулгувчилар бор.

Меҳнатдан дўст ортар,  
Фийбатдан — душман.

Фарзанд азиз, одоби ундан азиз.

Тиг яраси тузалар,  
Тил яраси тузалмас.

Меҳнатдан қўрқма, миннатдан қўрқ.

Пул топгунча, ақл топ.

Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан.

Севдирган ҳам тил.  
Бездирган ҳам тил.

## ШЕЪРИЙ НУТҚ УСТИДА ИШЛАШ

Тўғри нутқ кўникмаларини машқ қилдиришда шеърларни ёд олиш ҳам катта аҳамиятга эга. Шеърий нутқнинг характерли хусусиятларидан бири қофияли бўлишидир. Бундан ташқари шеърий нутқ мисраларнинг шартли чекланганлиги билан ҳам ажралиб туради. Сўзлар гўё ўз-ўзидан ёд олинади. Тутилиб гапирувчилар орасида шундайлари борки, улар логопедик машғулотлардан олдин ҳам шеърий нутқда тутилмаганлар ва улар учун шеърий нутқ осон ҳисобланади. Шунинг учун тутилиб гапирувчилар шеър ўқишини яхши кўрадилар. Шеър ўқиш, ёд айтиб бериш пайтида даволанишнинг фойдасига ишонч ҳосил қиласидилар. Ёддан шеър ўқиш равон нутқ кўникмаларини ҳосил қилишда катта роль ўйнайди.

Ҳамид Олим

Она севмас фарзанд топилмас,  
Фарзанд йўқдир онани севмас.

Фарзанд гулдир, она бир бўстон,  
Шунинг учун жаҳон гулистон.

A. С. Пу

### СИБИРГА МАКТУБ

Сибирь конларининг тагида  
Сақланг мағрур сабот ва чидам,  
Ғамгин заҳмат кетмас беҳуда —  
Юксак хаёл, мақсадингиз ҳам.

Бахтсизликнинг содиқ синглиси,  
Умид қора зинданда, инон,  
Қўзғар гайрат, қувноқлик ҳисси,  
Келур орзу этилган замон.

Мушкул жазо инларингизга —  
Озод товушим етган сингари,  
Қопқалардан утиб ичкари —  
Севги, дўстлик етади сизга.

Парчаланур оғир кишанлар,  
Зиндан қулар ва эрк шодмон  
Пешвоз бўлур эшиқда у он,  
Қилич берур тағин ёронлар.

Ҳамид Олим

### ЎРИК ГУЛЛАГАНДА

Деразамнинг олдида бир туп  
Ўрик оппоқ булиб гуллади...

Новдаларни безаб ғунчалар  
Тонгда айтди ҳаёт отини,  
Ва шаббода қурғур илк саҳар  
Олиб кетди гулнинг тотини.

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,  
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади,  
Қанча тириншам ҳам у беор  
Еллар мени алдаб кетади.

Майли, дейман ва қылмайман ғаш,  
Хаёлимни гулга ўрайман;  
Ҳар баҳорга чиққанда яккаш,  
Бахтим борми, дея сўрайман.  
Юзларимни силаб, сийпалаб,  
Бахтинг бор, деб эсади еллар.  
Этган каби гўё бир талаб,  
Бахтинг бор, деб қушлар чийиллар...

Ҳамма нарса мени қаршилар,  
Ҳар бир куртак менга сўйлар роз.  
Мен юрганда боғларга тўлар,  
Фақат бахтни мақтаган овоз:

«Мана сенга олам-олам гул,  
Этагингга сиққанича ол.  
Бунда толе ҳар нарсадан мўл,  
То ўлгунча шу ўлкада қол.

Умрида ҳеч гул кўрмай, йиғлаб,  
Ўтганларнинг ҳаққи ҳам сенда  
Ҳар баҳорни йиғлаб қаршилаб  
Кетганларнинг ҳаққи ҳам сенда....»

Деразамнинг олдида бир туп  
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

*Тўлқин.*

### ҮН САККИЗДАМАН

Үн саккиздаман,  
Гўё олам менинг кафтиимда,  
Үн саккиздаман!  
Қуёш ўти бордир тафтимда,  
Юлдузлардан юлдузга ўтсам,  
Юлдузларда юлдузни кутсам,  
Юрагимда бир чўғ борлиги,  
Юрагимга бир чўғ ёрлигиги —  
Үн саккиздаман!  
Үн саккиздаман!  
Олов севги қайнар дилимда,  
Мен қайнайман она элимда  
Үн саккиздаман!

Машъал бўлиб ёнай дейман мен,  
Гул ёшликка қонай дейман мен,  
Чўллар багрин тилай бу дамда,  
Гўё ҳаёт менинг слкамда!

Ўн саккиздаман!  
Ўн саккизни тарк этмам мутлоқ,  
Ўн саккиздан кетмайман йироқ,  
Йиллар ўтиб кетса-да бироқ,  
Шу йилларнинг шўх завқи  
ҳамроҳ!

Ўн саккиздаман!

*Уткир Рашид*

## ВАТАНИМ

(Қўшиқ)

Чаман-чаман гулларга, Тошқин дарё, кўлларга  
Сайроқи булбуллајга, Бойсан гузал Ватаним  
Кўкини қучган уйларга, Кувноқ ва шўх куйларга,  
Баҳт келтирган тўйларга, Бойдир гузал Ватаним

*Ҳамид Олимжон*

## УЗБЕКИСТОН

Водийларни яёв кезганда,  
Бир ажиб ҳис бор эди менда...  
Ўхшалиши ўйқу бу гузал бўстон.  
Достонларда битган гулистан—  
Ўзбекистон дея аталур,  
Уни севиб эл тилга олур.  
Бунда булбул китоб ўқийди,  
Бунда қуртлар ипак тўқийди,  
Бунда ари келтиради бол,  
Бунда қушлар топади иқбол.  
Бунда қорнинг тагларида қиши,  
Баҳор учун сўйлайди олқини.  
Ботирлари канал қазади,  
Шоирлари ғазал ёзади,  
Куйчилари ўқнийди ялла,  
Жувонлари айтади алла.  
Шундай ўлка доим бор бўлсин,  
Шундай ўлка әлга ёр бўлсин.

## ИККИ ОНА

Менинг икки онам бор,  
Иккиси ҳам меҳрибон:  
Бирин менга сут бергай,  
Бир эса — шириң нон.  
Бирин түққан онамдир,  
Иккинчиси — ҳур Ватан  
Иккисига баробар  
Күрбон бұлсии жону тан.

Бирин менга тил бериб,  
Булбул қилиб сайратди.  
Бирин мени бағрида  
Гуллар каби яйратди.

Абдулла Орипов.

## ИЛТИЖО

Юзларингни майлига яшир  
Керак эмас нозлар, имолар  
Гўзалликнинг қошида ахир  
Чўкка тушган ҳатто худолар  
Кимга фойда беҳуда жунун  
Ва дунёга ғавго солишдан  
Айрилиқдан қўрқмасман букун  
Мен қўрқаман севиб қолишдан

Муса Жалил

## ИШОНМА

Сенга мендан хабар берсалар,  
«У йиқилди чарчаб», — десалар,  
Йўқ, ишонма, бағрим!  
Бу сўзни —  
Дўстлар айтмас, яқин кўрсалар.  
Байроғимга қон билан ёзган  
Онтим ундар олға боришга!  
Ҳаққим борми ҳеч қоқилишга?  
Ҳаққим борми чарчаб-ҳоришга?

Сенга мендан хабар берсалар,  
«У Ватанин сотди», — десалар,  
Йўқ, ишонма, бағрим!  
Бу сўзни —  
Дўстлар айтмас, мени севсалар.  
Юртдан кетдим, юртни, сени деб,  
Мен курашдим қонли ҳар дамда.  
Юртни, сени қўлимдан берсам,  
Нима қолар менга оламда?

Сенга мендан хабар берсалар,  
«Муса ўлди энди», — десалар.  
Йўқ, ишонма, бағрим!  
Бу сўзни —  
Дўстлар айтмас, мени севсалар.

Тупроқ кўмар танни, кўмолмас  
Ўтли кўшиқ тўлган кўнглимни.  
«Ўлим» — дейиш мумкиними, ахир,  
Енгиб ўлгаи бундай ўлимни?

Эркин Воҳидов

### УЛКА

Боғларингни сайр этганимда  
Сен бор эдинг қалбда, Ватаним —  
Боғ хуснига шеър битганимда  
Уни дастлаб сенга атадим.

Минглаб тилда мадҳингни сўзлар  
Бунда ўсан ҳар битта дараҳт.  
Нур эмадӣ миллионлаб кўзлар  
Кўкдаи сенинг хуснингга қараб.

Жилмаяди узида йўқ шод  
Янги ой ҳам кетмай қошингдан,  
Этак-этак олиб коинот  
Юлдузларин сочар бошингдан...

Боғларингни кезарман ўлкам,  
Кезмоқни хеч кўйиб бўларми?  
Кезган билан, сайр этган билан  
Чиройингга тўйиб бўларми?

Faфур Fулом

### СЕН ЕТИМ ЭМАССАН

Сен етим эмассан,  
тичлан, жигарим,  
Қуёшдай меҳрибон  
Ватанинг — онанг,  
Заминдай вазмину,  
Меҳнаткаш, мушфиқ  
Истаган нарсангни тайёрлагувчи  
халқ бор — отанг бор.

Чўчима жигарим  
 ўз уйингдасай.  
 Бу ерда  
     на ғурбат  
     на оғат  
     на ғам  
 Бунда бор  
     ҳарорат,  
     муҳаббат,  
     шашфқат,  
 Ва меҳнат ионини кўрармиз баҳам  
 Шу соғлом ҳавода  
 Саломат омон,  
 Хўрсинмай, эркинлаб  
     Ола бер нафас.  
 Эй улуг наслимнинг  
     юраги жони  
 Кипригингга илинмас йигидан зарра  
 Сен етим эмассан,  
     ухла жигарим!

## НУТҚНИНГ САВОЛ-ЖАВОБ ФОРМАСИ

Савол-жавоб нутқи тутилиб гапиравчилар учун анча қийин ҳисобланади. Савол мазмуни тасодифан, ноаниқ бўлгани учун улар ҳаяжонланадилар ва тўғри жавоб бера ололмайман, деган фикрга келиб тутишилари яна да кучаяди.

Шунинг учун биз жавоб сўзлари саволларда бўлган осон, конкрет вазият билан боғлиқ саволларни берамиз. Бу саволлар 3—4 сўздан иборат бўлади. Аста-секин саволлар мазмуни мураккаблаштириб борилади, жавоблар эса қўшма гаплардан иборат бўлади.

Саволларни диққат билан эшитиш ва уларга шошилмасдан, осойишта ўйлаб, қисқа ҳамда тушунарли жавоб бериш лозим. Саволларга жавоб берган пайтда бошқа нарса билан шугулланмаслик, савол берувчи кишига қараб жавоб бериш зарур.

*Суҳбат учун саволлар*

Сизнинг фамилиянгиз?  
Исмингиз?

Нече ёшдасиз?  
Оилангида неча киши бор?  
Отангиз қаерда ишлайди?  
Онангиз-чи?  
Сиз қаерда яшайсиз?  
Шаҳарнинг қайси районида?  
Үйингиз қайси кӯчада?  
Қандай транспорт билан уйингизга борасиз?  
Шаҳрингизда қандай транспортлар бор?  
Шаҳрингизда қандай олий ўқув юртлари бор?  
Шаҳрингизда қандай истироҳат боғлари бор?  
Шаҳрингиздаги қандай завод ва фабрикаларни  
биласиз?  
В. И. Ленин ёшлигига қандай ўқир эди?  
Шаҳримизда Ленин музейи борми?  
В. И. Ленин музейи қайси кӯчада?  
Сиз В. И. Ленин музейидаги бўлганимисиз?  
Сиз Ватанимиз пойтахти — Москвага борганмисиз?  
Москва ҳақида қандай китоблар ўқигансиз?  
Москва ҳақидаги қандай шеърларни ёд олгансиз?  
Москва ҳақида нималарни биласиз?  
СССР қайси мамлакатлар билан чегарадош?  
Иттифоқдош республикалар номини ва уларнинг  
пойтахтларини айтиб беринг.  
СССРда қандай миллатлар яшайди?  
Мамлакатимиздаги қаҳрамон шаҳарларни айтинг-чи.  
Совет халқи қандай жамият қурмоқда?  
Далаларимизда нималар етиштирилади?  
Боғ ва полизларимизда қандай мевалар бор?  
Мактаб кутубхонаси қаерда?  
Кутубхона неча соат ишлайди?  
Кутубхонада газета ва журналлар борми?  
Кутубхона китобларни неча кунга беради?  
Сиз кутубхонадан қандай китоблар олиб ўқийсиз?

### Фасллар

Бир йилда неча ой бор?  
Ойларнинг номини айтиб чиқинг.  
Бир йилда неча фасл бор?  
Ҳар бир фаслда об-ҳаво қандай бўлади?  
Ҳар бир фаслда нима ишлар қилинади?  
Сиз қайси фаслни севасиз?

## Баҳор

Қишдан кейин қайси фасл келади?  
Баҳор фаслига қайси ойлар киради?  
Баҳорда ҳаво қандай бўлади?  
Баҳорда осмон қандай? Баҳорда қандай шамол  
эсади?  
Иссиқ ерлардан қандай қушлар учиб келади?  
Ерининг юзи нима билан қопланади?

## Ез

Баҳордан кейин қайси фасл келади?  
Ёз фаслига қайси ойлар киради? Ёзда ҳаво қандай  
бўлади?  
Дарахтлар ва кўкатлар гуллагандан кейин, улар-  
нинг устида нима пайдо бўлади? Колхозчилар ёзда да-  
лада нима иш қиласидилар?  
Болалар ўрмонда нималар терадилар?  
Улар қаерда чўмилиб, қаерда балиқ овлайдилар?  
Сиз ёзни қандай ўтказдингиз?  
Ёзда қандай ишлар қиласидингиз?

## Куз

Ёздан кейин йилнинг қайси фасли келади?  
Куз фаслига қайси ойлар киради? Кузда ҳаво қан-  
дай бўлади?  
Дарахтларнинг барглари нима билан қопланади?  
Кузда, далада нима пишади? Боғларда қандай ме-  
валар пишади?  
Кузда иссиқ юртларга қандай қушлар учиб кетади?  
Сиз яшайдиган жойингизда қайси қушлар қолади?  
Колхозчилар кузда нима қиласидилар? Ўқувчилар кузда  
колхоз ва совхозларга қандай ёрдам берадилар?

## Киш

Куздан кейин қайси фасл келади?  
Қиши фаслига қандай ойлар киради? Қишида ҳаво  
қандай бўлади?  
Ер нима билан қопланади? Қиши кунлари қуёш қан-  
дай ёргулик беради ва иситади?  
Қиши кунлари дарёнинг суви қандай бўлади? Қиши  
кунлари колхозчилар нима қилишишади? Қиши кунларида

үқувчилар нима билан шугулланадилар? Болалар қишиң күнлари күчада, музда ва баландликларда нима қиласылар?

### Ибораларга савол түзіб чиқынг

Максадым инженер бўлиш. Тургунининг отаси ўқитувчи. Булбул сайроқи қуш. Совет Ватанимиз — тинчлик таянчи. Пахта — халқ бойлиги.

Тинчлик урушни енгади. Физкультура машғулотларини жуда севаман. Паркда қизил гуллар бор. Самолёт осмонда учмоқда. Деңгизда елкан сузмоқда. Булбул ёқимли овоз билан сайдайди. Мен Тошкент шаҳрида яшайман.

### Қуидаги текст бўйича савол түзинг ва шу саволларга жавоб тайёрланг

#### Менинг иш куним.

Мен ҳар куни эрталаб соат еттида ўрнимдан тураман. Эрталабки гимнастика машқларини қиласаман. Ювинаман, тишларимни юваман. Кийинаман ва ионушта қиласаман. Соат саккизда ётоқхонада чиқаман. Трамвай ёки троллейбусда техникумга бораман.

Техникумда дарс соат иккигача давом этади. Дарсдан чиқиб, техникум ошхонасида овқатланаман. Овқатдан кейин ётоқхонага қайтиб бораман ва икки соат дам оламан: газета, журнал ёки бадиий асар ўқийман. Баъзан овқатдан кейин волейбол ўйнайман, сўнг дарс тайёрлаш учун ўқув залига бораман.

Соат саккизда кечки овқатни ейман. Кечки овқатдан сўнг шахмат ўйнайман, радио эшитаман ёки телевизор кўраман. Ухлаш олдидан ўртоғим билан тоза ҳавода сайд қиласиз. Соат ўн бирда ётаман.

#### Сабзавотлар

Ўзбекистонда турли хил сабзавотлар етиштирилади.

Мана, колхоз даласи. Унда эртанги ва кечки картошкалар етиштирилади. Бу картошкалар жуда мазали ва тўйимли бўлади. Полизлар кўм-кўк. Полизларда катта-катта қовоқлар, ундан нарида эса бақлажонлар кў-

ринади. Колхозчилар буларни ўстириш учун меҳнат қиласидилар.

Колхозларда катта-катта, ширин тарвузлар етишитирлади. Бундай тарвузларни сўйиб есангиз, маза қиласиз. Ўзи қин-қизил, уруги эса қоп-қора ва йирик. Мана аナンас қовуилар... Еқимли ҳиди бутун полизни тутиб кетган. Далада турли нав помидорларининг стилганини кўрасиз. Уларнинг ранги ҳам, шакли ҳам ҳар хил. Баъзилари узунчоқ, баъзилари эса думалоқ.

Колхозчилар гайрат билан ишламоқдалар. Уларнинг меҳнати туфайли кўплаб сабзавотлар етиширилмоқда. Сабзавот ҳосили йилдан-йилга ошмоқда.

### К о л х о з у з у м з о р и д а

Биз Ленин номли колхозга экскурсияга бордик. У ерда машҳур бобон Ризамат отани кўрдик. У узумзорини айланаб юрар эди. Биз ота билан саломлашдик. Ў бизга ўз токларини кўрсатди. У ерда оқ, қора, нимранг узумлар кўп эди. Ота токни қандай парвариш қилишини айтиб берди.

Ризамат отани СССРдаги барча мичуринчи-богбонлар танийдилар. У юзлаб гектар ерларни токзор қилган, янги, серхосил узум навлари етиштирган. Ҳукуматимиз уни Давлат мукофоти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони, икки марта Ленин ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Хурмат белгиси» ордени ҳамда неча бор медаллар билан мукофотлаган.

Биз колхаз бофини завқ билан томоша қилдик. Экскурсиядан жуда хурсанд бўлиб қайтдик. Ҳаммамизда bogbonlikka қизиқиш уйғонди.

### П о ч т а л ь о н

Бугун шаҳардан чиқиб кетишимиз керак. Шунинг учун эрталаб барвақт туриб, автомашинани кута бошлидик. Баъзи болалар Тошкентдан олган таассуротлари тўғрисида уйларига хат ёздилар. Хатларни туристлар станциясининг дарвозаси ёнидаги чиройли почта қутисига ташладилар. Шу вақт ҳаммамизни директоримиз чақириб қолди. У йўл маршрути чизилган катта қофозни стол устига ёзди. Кейин қайси йўллардан юришимизни тушунтира кетди.

Күп ўтмай дарвоза олдида автомашинанинг сигнали эшитилди. Биз машинаға жойлаша бошладик. Шу маҳал ҳалиги почта қутиси ёнига бир енгил машина келиб тұхтади. Унинг ичидан бир киши чиқди. У қутини очди ва катта сумкасига хатларни согланича изига қайтди.

Бундай чаққон почталындарни Тошкент күчаларидан күп учатады.

### М а ҳ о р а т

Югурыш бүйіча стадионда мусобақа ўтказилиши ҳақидаги хабар тарқалған әди. Буни эшитиб, мен ҳам боришиға қизықиб қолдым. Дам олиш куни әди. Стадионда одам гавжум. Ниҳоят, мусобақа бошланди. Командада менинг эң яқин дүстим Азиз ҳам бор әди. Азиз ёшлигиданоқ спортни жон-дилдан севар әди. У спорт машғулоттарига иштиёқ билан қатнашарди. Шунинг учун ҳам у соғлом, тетик, чаққон. Мана, у ҳозир ҳам олдинги сафда. Унинг ҳаяжонланаётганлиги күзидан сезилиб турарди.

Команда берилди. Спортчилар елдек учеб борардилар. Азиз эңг олдинда. Унинг рақиби Зафар эса бир оз орқада борарди. Азиз маррага биринчи бұлыб етиб келди. Мусобақа тугагач, мукофотлаш маросими бошланди. Биринчи мукофот Азизға берилди.

Мен унинг бугунги маҳоратига яна бир марта қойил қолдым.

### ҮҚИШ УЧУН ТЕКСТЛАР

#### А ли ш е р Н а в о и й (1441—1501)

Алишер Навоий — ўзбек халқынинг буюк шоири ва олимий. У Ҳирот шаҳрида кичик амалдор оиласыда туғилди. 4—5 ёшидаёқ үқишишни ўрганди. Кичиклигидан китобга ҳавас қўйди. Тез орада ўзи ҳам шеърлар ёза бошлади.

Навоий мактабдош дүсти Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги йилларида давлатни бошқариш ишларида актив қатнашиди: вазирлик, ҳокимлик вазифаларини бажарди. У бу даврда солиқларни камайтиришга, мамлакатда адолат, тинчлик ўрнатишга астойдил ҳаракат қилди: кўплаб ариқлар қаздирди, мадраса ва кутубхоналар,

ҳаммомлар, кўпrikлар курдири. Бу ишлари билан меҳнаткаш халқ орасида катта ҳурмат ва обру қозонди.

Навоий ярим аср давомида ижод қилди, у ўз асарларини асосан туркий тилда (эски ўзбек тилида) ёзди. Шунингдек, форс-тожик тилида ҳам анчагина шеърлар яратди. А. Навоийнинг 30 дан ортиқ асари бор. Булар ичида энг йириги ва машҳури «Хазойинул-маоний» ва «Ҳамса» дир. Биринчи йирик асарида шонрнинг лирик шеърлари тўплланган. «Ҳамса» асари эса бешта катта достондан иборат. Навоийнинг асарларида меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, дўстлик, чин севги ва садоқат улугланади; золимлик, текинхўрлик, адолатсизлик ва бошқа ярамасликлар қораланади.

Алишер Навоий ўзининг ўлмас асарлари билан эски ўзбек тилининг бойлигини ёрқин намойиш қилди, ўзи эса шу тилнинг асосчиси бўлди. Бу уининг жуда катта тарихий хизматидир.

Улуғ шонр, олим ва давлат арбоби Навоий 60 ёшида Хирот шаҳрида вафот этди. Унинг бебаҳо асарлари эса беш асрдан бери бутун дунё бўйлаб саёҳат қилмоқда.

Совет даврида Навоий асарлари халқимизнинг ҳақиқий мулкига айланди: унинг асарлари минг-минглаб нусхаларда чиқарилди ва чиқарилмоқда. Алишер Навоийнинг тугилганига 500 йил ва 525 йил тўлган кунлар эса бутун Совет Иттифоқида катта байрам қилиниди. Ҳозир Самарқанд университети, Тошкентдаги Қўлёзмалар институти, опера ва балет театри, қатор кутубхоналар ва колхоз-совхозлар ниҳоят, каттагина бир шаҳар улуғ шонримиз номи билан аталмоқда.

A. N. Толстой.

### РУС ХАРАКТЕРИ

Рус характери! Чуқур маъноли бу сарлавҳа кичик ҳикоя учун ҳийлагина катталиқ қиласди. Начора — мен сизлар билан худди рус характери тўғрисида сўзлашмоқчиман.

Рус характери! Уни тасвирлаб бериш осонми... Қаҳрамонона жасоратлардан сўзлаб берсамми экан? Лекин улар шу қадар кўпки, қайси бирини афзалроқ кўришини

бilmай, гарантисиб қоласан. Ошиаларимдан бирининг шахсий ҳаётидаги кичик воқеа жонимга аро кирди.

Лейтенант Егор Дрёмов бахтсизликка учраганига қадар ана шундай жанг қилган эди. Курскдаги жанглар вақтида, тинкаси қуриган ва саросимага тушиб қолган немислар чекина бошлаганида, бүгдойзордаги тепаликда унинг танкига снаряд тегиб тұхтаб қолди, әқипажининг икки аъзоси шу заҳотиёқ ҳалок бұлды, иккінчи снаряддан танк ёниб кетди.

Егор Дрёмов дардни енгиб, тузалиб кетди. Териси куйиб, қорайған юзининг баъзи жойларида сүяклари күриниб турған бұлса ҳамки, күзи омои қолған эди. У саккиз ойга яқин госпиталда өтди, унинг юзини кетма-кет пластик операция қилишди, бурнини ҳам, лабларини ҳам, қовоқларини ҳам, қулоқларини ҳам анчагина қадимги ҳолига келтириб қўйиши. Саккиз ойдан сўнг, докалар ечиб олингач, у ўз юзига, энди ўзиникига ӯхшамай қолған юзига қаради. Унга кичкина ойна берган медицина ҳамишираси юзини ўғириб йиглаб юборди. Дрёмов ойнани шу заҳотиёқ әгасига қайтариб берди.

— Бундан баттарроқлари ҳам бұлади,— деди у— бу ҳеч нарса эмас.

Комиссия уни сафдан ташқари хизматта лойик деб топди. Ӯшанда у генералга бориб: «Полкка қайтишимга рухсат беришингизни сўрайман»,— деди. «Ахир сиз инвалидсиз-ку»,— деди генерал. «Сира ҳамда, мен хунумни ким бунииг ишга ҳалал берадиган жойи йўқ, жанг қилиб қобилятимни бутунлай тиклаб оламан». (Егор Дрёмов сұхбат вақтида генералнинг унга қарамасликка тиришаётганларини сезиб, ёриқ каби текис кўкини лаблари билан илжайиб қўйди).. У йигирма кунлик отиуска олди, бутунлай соғайиб олиш учун уйинга, ота-онасининг олдига жунади..

У кўча эшигини очиб қўрачага кирди-да, зинапояга чиқиб уй эшигини тақиллатди. Эшик орқасида онасининг: «Ким?» леган овози эшитилди. «Совет Иттифоқи Қахрамони лейтенант Громов» деб жавоб берди у.

— Үргилай нима ишинг бор эди,— деб сўради онаси.

— Марья Поликарповна ўғли, старший лейтенант Дрёмовдан «ўпдан-кўп салом олиб келдим.

— Омонми? Эсонми-омонми? Қани-қани, үргилай, уйга кир.

Дрёмов ўзини танитмай үтиргани сари,

биров деб, ўзи ҳақида сўзлагани сари, сирини очиши — ўрнидан туриб: ота, она, ахир мен бадбашарани танисангизларчи, дейиши тобора қийинлашиб борар эди. У ота-она дастурхони устида бир чеккаси роҳат қилса, бир чеккаси ўкинар эди.

Марья Поликарповна сўради:

— Сиз унинг қачон отпуска олиб келишини айтмадингиз. Уч йилдан бери кўрганимиз йўқ, катта бўлиб қолгандир, мўйлов қўйиб юборгандир... Шунача ҳар куни ўлимнинг яқинида юрса керак, овози ҳам дағаллашиб қолгандир?

— Келиб қолса, таниёлмассиз ҳам,— деди лейтенант.

— Айтмоқчи, қишлоғингизда Катя Калишева деган қиз турадими, Андрей Степанович Малишев деганинг қизи?

— У бултур курсни тамом қилган эди, ҳозир бизда муаллимлик қиляпти. Учрашадиган ишинг борми унда?

— Ўглинигиз, унга албатта салом айтиб қўй, деган эди.

Онаси Катяни айтиб келиш учун қўшни қизни юборди. Катя Малишева елиб-югуриб келганида лейтенант ҳали этигини кийиб ҳам олмаган эди. Катянинг катта, қуралай кўзлари чақнаб, кошлари ҳайрат билан учеб турар, юзи қизариб, шодлик мавж урар эди. У тўр рўманини бошидан туширас экан, лейтенант ичидаги хўрсниб қўйди: У қайлигини шундай мусаффо, майин, хуррам, хушфесъ, деб тасаввур қилган эди ҳамки, кириш билан бутун хона заррин нурга тўлиб кетгандай бўлди...

— Сиз Егордан салом олиб келдингизми? У ёруққа орқасини ўгириб турган эди, гапира олмагани учун бoshини эгиб қўя қолди. Мен уни ёрта-ю кеч кутаяпман, унга шу гапимни айтиб қўйинг.

Қиз унга яқинлашди. Тикилиб қаради, кўкрагидан биров туртгандек орқасига тисланди ва чўчиб кетди. Шунда Дрёмов шу бугуноқ кетишга қатъий қарор қилиб қўйди.

Икки ҳафтадан кейин онасидан хат келди:

«Салом, нурн-дийдам, ўғилгинам. Сенга нима деб ёзгани юрагим бетламайди, нимага йўйиншишни ҳам билмай қолдим. Бизга сенинг олдингдан одам келди,— жуда яхши одам экан, лекин афти хунукроқ. Бир оз турмоқчи эди, бирданига отланиб жўнаб қолди. Ўғилгинам, ушандан берни кечалари кўз юммайман,— назарим-

да ўзинг келиб-кетгандайсан. Егор Егорович бу ишимдан мени койиб:— Кампир, жуда ҳам эсингни еб қопсан, у ўз ўглимиз бўлса, ўзини танитмасмиди ахир... Агар ўша келган унинг ўзи бўлса, нега ўзини танитмасин, келган одамнинг юзидақа юз билан ғуурулсанса бўлади, дейди. Егор Егорович мени гапига ишонтиришга унайди-ю, оналик кўнглим ўз билганини қилади: ўша, унинг ўзи, бизнига келган унинг ўзи эди, дейишни қўймайди. Ўша одам иечь устида ухлаётганида, унинг шинелини тозалаш учун ҳовлига олиб чиқдим, шинелига юзимни қўйиб: Бу унинг ўзи, шинель уничи!— деб йигладим. Егорушка, менга очиқ ёзиб юбор, худо ҳақи, тушунтириб бер; нима бўлган эди? Ё чиндан ҳам эсимни еб қолганиниман?»

Егор Дрёmov бу хатни каминангиз Иван Сударевга кўрсатди, бошидан ўтган воқеани ҳикоя қила туриб, кўз ёшларини енги билан артиб олди. Мен унга «Зап характерга дуч келиб қолибман-ку! дедим. Тентак,вой тентак-эй, онангга тезроқ ҳат ёз, ундан уэр сўра, унинг эсини яримта қилиб қўйма... У сенинг ҳуснингга ион ботириб емайди, ҳозирги қиёфангда у сени бундан ҳам яхшироқ севади».

Егор ўша куниёқ ҳат ёзди: «Қимматли онам Марья Поликарповна, отам Егор Егорович, мени, нодонлик қилиб қўйганим учун кёчиринглар, сизларнинг олдиларингизга борган ростдам ҳам мён ўғлингиз эдим...»

Шундан бир оз вақт ўтгандан кейин, биз у билан полигонда турсак, бир солдат югуриб келиб Егор Дрёmovга: «Ўртоқ капитан, сизни чақиришяпти...» деб қолди. Солдат ҳарбий қоидага риоя қилиб турган бўлса ҳам, юзи ичиш илинжидағи одамнинг дидини берарди. Биз посёлкага қараб кетдик. Дрёmov икковимиз яшайдиган уйга яқинлашдик. Қарасам, унинг кўнгли бузилганроқ, нуқул йўталади... «Танкист бўлса, ҳам асаби бўш-а», деб ўйладим. У мендан олдинроқда, икков уйга кирдик. Мен унинг: «Она, салом, бу менман!» деганини эшитдим Чуваккина кампир келиб унинг багрига ёпишиди. Атрофга кўз ташласам, бу ерда бошқа аёл ҳам бор экан. Азбаройи шифо, гапнинг рости, бошқа жойларда гўзаллар бордир, албатта угина шундай эмасдир-у, лекин шахсан ўзим бунақасини биринчи кўришим.

У онасининг бағридан чиқиб, ҳалиги қиз томон борди, унинг баҳодирона жуссаси худди уруш худосига ўх-

шаганини аввал эслатиб ўтган эдим «Катя! деди у. — Катя, Сиз нега келдингиз? Сиз буни эмас, анавини күтишга ваъда берган эдингиз-ку...»

Гўзал Катя унга жавоб берди, мен даҳлизга чиқиб кетган бўлсам ҳам унинг шу сўзларини эшийтдим: «Егор, мен сиз билан мангу умр кечиришга аҳд қилганман. Мен сизни вафо билан севаман, қаттиқ севаман. Мени ўзингиздан четлатманг...»

Ана рус характерлари деганимиз шу. Одам содда кўрингани билан, каттами, кичикми, даҳшатли фалокат келганида унда улуғ куч — инсоний гўзаллик жамол кўрсатади.

### ҮҚИШ ВА ЁД ОЛИШ УЧУН ТЕКСТЛАР

Текстларни ўқишида жуда узоқ ва мунтазам машқ қилингандан кейин прозаик бўлакларни ёддан сўзлаб бериш ҳам машқ қилдирилади. Машқнинг бу тури бутун диққатни автор фикрини тўғри ифодалаб беришга, гапираётган пайтда ўзини эркин тутишга, ўз хатти-ҳаракатларини (қомати, кўз қараши, имо-ишоралари, нафас олиши, овози) назорат қилиб туришга қаратади.

Кўйида келтирилган доноларнинг гаплари қисқа, аммо чуқур мазмунга эга. Парчалар ҳажмининг кичикилиги уларни тез ёд олишга ва ўрни келганда ҳаётда ишлатишга имкон беради.

Гавдани ҳаракатлантирувчи машқлар жисмоний кучни оширганидек, фикр юргизиш машқлари ҳам ақлий қобилиятини оширади.

А. Н. Радищев

Кўрқоқлик жуда заарлидир, чунки у иродани фойдали ҳаракатлардан тўхтатиб қўяди.

Р. Декард

Агарда сен ҳам ақлли кишиларнинг сафида бўлгинг келса, ҳар куни бир марта, ё ҳафтада бир марта, ҳеч бўлмаса ойида бир марта ўзингга ўзинг ҳисоб бер! Ўтган умрингни қандай ўтказибсан: на илмга, на ўзингга фойдали бирор иш қилибсанми?

Абайд

Бадан тарбия билан мўътадил ва ўз вақтида шугулланувчи киши касалликларнинг давосига муҳтож бўлмайди.

*Абу Али ибн Сино*

Инсонда ҳамма нарса: чехра ҳам, қалб ҳам, тафак кур ҳам гўзал бўлмоғи лозим.

*А. П. Чехов*

Ҳамма қобилиятлар ичидаги яхшиси нутқ қобилиятидир. Нутқни жуда яхши ва санъаткорона ўрганиб ол, нутқи ширин кишининг меҳрибон кишилари ҳам кўп бўлади.

*Кайковус*

Ҳар хил сўзга қулоқ сол, тезлик қилма. Ўйламасдан сўзлама, ҳар бир сўзни ўйлаб гапир. Илгари ўйлашибир нав кароматидир. Ҳар қандай сўзни эшитишдан сиқилма. У сўз ишингга хоҳ ярасин, хоҳ ярамасин, уни эшиш. Сўз эшитишдан қочма, киши сўз эшитиш билан нотик бўлади...

*«Қобуснома»дан*

..Мен ўзимни шундай тутайки, ҳеч ким менинг тўғримда бирон ёмон гап айта олмасин...

*А. С. Пушкин*

Дунёда китобдан азиз дўст йўқдир.

*А. Навоий*

Яхши китобларни ўқиши ўтмиш замоннинг энг яхши кишилари билан суҳбатлашиш демакдир. Бундай суҳбатларда улар ўзларининг фақат энг яхши фикрларини бизга айтадилар.

*Р. Декарт*

Китобсиз хонадон жонсиз танга ўхшайди.

*Цицерон*

## ЕДЛАШ УЧУН ТЕКСТЛАР

### Нимани билдинг

Афлотундан сўрадилар:

— Файласуф, олим одамсан. Қани айтчи, шунча ўқиб нима натижага келдинг, нимани билдинг?

У жавоб берди:

— Faқат бир нарсани билдим: ҳеч нарса билмас эканман.

### Соф-саломат

Афлотундан сўрайдилар:

— Денгизларда жуда кўп саёҳат қилдинг, шу саёҳатнингда кўрган энг ажойиб нарсани бизга сўзла.

Афлотун айтди:

— Энг ажойиби шуки, ниҳоят соҳилга сиҳат-саломат чиқдим.

### Маъзур тутаман...

Суқротга айтдилар:

— Фалон киши сен ҳақингда кўп нолойиқ сўзлар айтиб юрибди, нега индамайсан, бепарво бўлиб юрасан?

Суқрот жавоб берди:

— Нима ҳам дейишим керак? Ахир у бечора ҳар ким ҳақида нолойиқ ва ярамас сўзлар айтишга жуда ҳам ўрганиб қолган. Бу ёмон одатини ташлай олмаслигига кўзим етади, шунинг учун унинг сўзларига аҳамият бермайман. У шундай касалга мубтало бўлгани учун маъзур тутаман.

### Камтарга — камол

Афлотундан сўрадилар:

— Олиму-донишманд оддий кишилардан нима билан фарқ қиласди?

Афлотун жавоб берди:

— Олим киши очиқ юзли, юмшоқ сўзли, тавозели бўлади. Бирор одамдан ўзи ҳақида бирорта бўлмағур сўз эшилса, хафа бўлмайди.

## Тарихнинг тақрорланиши

Наполеон 1760 йилда туғилған. Гитлер эса 1889 йил, фарқи 129 йил.

Наполеон 1804 йилда ҳукумат тепасига чиққан, Гитлер 1933 йил, фарқи — 129 йил.

Наполеон Россияга 1812 йили ҳужум қилған эди, Гитлер 1941 йили уруш бошлади, фарқи — 129 йил.

Ҳар иккиси ҳокимият тепасига 44 ёшида ўтирган.

Ҳар иккиси 52 ёшида Россияга ҳужум қилған. Ҳар иккаласи ҳам Россияга қарши урушда шармандаларча енгилған.

Линкольн 1860 йилда биринчи АҚШ президенти бўлған, Кеннеди эса 1960 йилда, фарқи — 100 йил.

Ҳар иккиси ҳам жума куни ўлдирилған.

Линкольн ўлимидан кейин Жонсон номли киши президент бўлған, Кеннеди ўлимидан кейин ҳам Жонсон ҳокимият тепасига келди.

Ҳар иккиси ҳам АҚШнинг жанубий штатидан, демократ ва ҳокимиятга ўтиргунга қадар сенатор бўлған.

Линкольн ўлимидан кейин АҚШ президенти қилиб сайланган Жонсон 1808 йилда туғилған эди. Кеннеди ўлимидан кейин АҚШ президенти бўлған Жонсон 1908 йилда туғилған. Буларнинг ўртасидаги фарқ 100 йил.

Линкольннинг қотили Уильс 1829 йилда туғилған эди. Кеннедининг тахминий қотили Освальд 1929 йили туғилған. Фарқи — 100 йил.

Ҳар икки қотил ҳам суд бўлгунга қадар ўлдирилған.

Линкольннинг Кеннеди номли секретари унинг ўлимидан бир кеча олдин, «Эртага театрга борманг», деб илтимос қилған эди. Президент Кеннедининг секретари Линкольн ҳам Даллас штатига қиласидиган сафарини кейинга қолдиринши маслаҳат берган эди.

## ОЛТИ ОИ УХЛАГАН КИШИ

Туркияда Бюн더라 шаҳрида яшовчи олтмиш ёшлиқ Янис Думас 1964 йилнинг март ойида одатдагидек ўз уйида ўтириб овқатланди. Синглиси билан бир оз гаплашиб ўтиргач, ётоқхонасига кириб ухлади.

Янис Думас шу ётганича эртасига ҳам, индинига ҳам, бир ҳафта ўтгандан кейин ҳам уйғонмади. Уни

сунъий равишда овқатлантириб, витамин билан укол қилиб турилди.

Орадай олти ой ўтгандан кейин Янис кўзини очди. Унга, сиз ухлаганингизда баҳор эди, ҳозир эса куз тушиб қолди, олти ой ухладингиз дейишганда, чол бу сўзларга ишонмади. Ойнага қараб соқоли ўсиб кетганини кўрди-ю, ўзи ҳам ҳайратда қолди.

## АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ

### Вақтим йўқ

Афандидан бирор:

— Акам Бағдодга кетган эди, шунга хат ёзиб беринг, — деб илтимос қилди.

— Бағдодга боришга вақтим йўқ, — деди Афанди.

— Мен Бағдодга боринг деяётганим йўқ, — деди укиши.

— Гапингга аллақачон тушунганиман,—деди Афанди, — акангга хат ёзиб берсам, ўзим бориб ўқиб беришим керак бўлади.

### Иккинчи савол-ку

Афандидан имтиҳонда ўқитувчи:

— Сизга иккита кичик савол берайми ёки битта катта савол берайми? деб сўради.

— Афанди ўйланиб туриб:

— Битта савол бериб қўя қолинг, — деди.

— Одам қандай пайдо бўлган? — деди ўқитувчи.

— Одамни онаси туққан.

— Ундан аввал-чи?

— Кечирасиз, домла, — деди Афанди,— бу иккинчи савол-ку?

### Сурбет

Афанди дўстига хат ёзаётганда, бир одам орқада туриб хатни ўқииверади. Буни сезган Афанди хат охирига «Азиз дўстим, сенга кўп гапларни ёзмоқчи эдим, лекин ҳозир бир сурбет одам орқамда туриб ёзганларимни ўқияпти», — деб қўшиб қўйди. Хатни ўқиётган одам ғазабланиб:

— Нега мени ҳақорат қиласиз, қачон мен сизнинг хатингизни ўқидим?! — деб дағдаға қилди.

— Ўқимаган бұлсангиз, сизнинг түғрингизда нима ёзганимни қаёқдан билдингиз? — деди Афанди.,

### Феълларнинг тусланиши

Ўқитувчи Афандидан сұради:

— «Үғирламоқ» сўзининг ўтган замони қандай бўлади?

— «Үғирлади» бўлади.

— Келаси замони-чи?

— Турма-да?!

### Афандининг юки

Подшо, вазир ва Насриддин Афанди овга чиқиши, йўлда подшо устидаги чакмонини ечиб Афандига берди. Буни кўрган вазир ҳам чакмонини ечиб Афандига берди, шунда шоҳ масхара қилиб:

— Афанди, устингизга бир эшакнинг юки ортилдими? — деди.

Афанди дарҳол:

— Йўқ, шоҳим икки эшакнинг юки! — деб жавоб берди.

Л. Н. Толстой

### ЧУМОЛИ БИЛАН ҚАПТАР

Бир куни чумолининг сув ичкиси келибди-да, югурганича сойга борибди. У сув жуда тез оқаётган жойдан сув ичаётган экан, уни тўлқин оқизиб кетибди.

Сув бўйндаги бир дараҳтда қаптар ўтирган экан, воқеани кўриб чумолига жуда ачинибди. У шоҳдан битта баргни узиб олибди, сувга ташлабди, чумоли шу барг устида қиргоққа чиқиб олибди.

Шундай бир ҳодиса рўй берибди: орадан бир неча кун ўтгач, қаптар яна ўша дараҳтга келиб қўнибди, лекин тўсатдан овчи пайдо бўлиб, бекиниб келиб яқинига борибди-да, тўр ташлашига сал қолибди. Қаптар ҳаракатни сезмай, шоҳда bemalol тураверибди.

Чумоли эса шу пайтда жуда яқин жойда экан, кап-

тарнинг фалокатга учрашини фаҳмлаб, овчининг ёнига келиб, оғенини қаттиқ чақиб олибди; унинг оёқларигина эмас, қўллари ҳам титраб кетибди. Шунда капитар овчини кўриб қолиб, учиб кетибди.

Л. Н. Толстой

## АРСЛОН БИЛАН ИТ

Лондондаги ҳайвонот боғида ёввойи ҳайвонларни кўриш ҳақи учун томошибинлардан пул ё бўлмаса ёввойи ҳайвонларга овқатлик учун ит ва мушуклар олар эдилар.

Бир киши ёввойи ҳайвонларни кўргиси келиб, кўчадан бир кучукчани тутиб олди-да, уни ҳайвонот боғига олиб келди. У кишини томоша қилгани боқقا киргизиб юбордилар, итни эса арслоннинг олдига егани ташладилар. Ит катакнинг бир бурчагига тиқилиб олди. Арслон бўлса ит олдига келиб, ҳидлаб кўрди.

Ит осмонга қараб ётиб олди-да, панжаларини юқорига кўтариб думини ликиллата бошлади. Арслон панжаси билан уни туртиб ағдариб юборди. Ит сакраб ўрнидан турди-да, арслонга қараб орқа панжасига таяниб ўтириб олди.

Арслон итга қараб калласини у ёқдан бу ёққа чайкар, лекин унга тегмас эди.

Хўжайнин арслонга бир парча гўшт ташлади. Арслон гўштнинг бир парчасини узиб еб, қолганини итга ирғитди.

Кечқурун арслон ухлаганда ит унга яқин келиб, калласини арслоннинг панжасига қўйиб ётди.

Шундан бошлаб ит билан арслон бир катакда тура бошлади. Арслон итга сира тегмас, ит билан бирга овқатланар, бирга ухлар ва баъзи вақтларда у билан ўйнашар ҳам эди.

Бир куни итнинг эгаси ҳайвонот боғига келиб, итини таниб қолди. У итнинг эгаси эканлигини айтди ва ҳайвонот боғининг хўжайнинидан ўз итини қайтариб беришини сўради. Хўжайнин итни қайтариб бермоқчи бўлиб, уйчанинг эшигини очиб итни чиқарди. Шу вақт арслон қаттиқ ўкириб юборди ва итни чиқармади.

Шундай қилиб, арслон билан ит бир қафасда яшади.

Бир йилдан сўнг ит касал бўлиб, ўлиб қолди. Ит ўлгандан кейин арслон овқат ҳам емай кўйди. У итни хидлар ва панжалари билан силар эди.

Арслон итнинг ўлганини сезганидан сўнг ўрнидан сакраб турди, думи билан ўзининг икки ёнига уриб, деворларга ташланди, панжара ва полларни кемира бошлади. У кун бўйи қафас панжараларига ўзини уриб йиглади, сўнгра ўлган итнинг олдига ётиб жим қолди. Хўжайнин итнинг ўлигини олиб ташламоқчи бўлди. Лекин арслон ҳеч кимни яқинига йўлатмас эди.

Хўжайнин арслоннинг олдига бошقا бир ит қўйилса, қайфусини унугар, деб ўйлади-да, тирик бир итни қафасга қўйиб юборди. Арслон бу итни шу ондаёқ майдамайда қилиб ташлади. Сўнгра у ўлган итни ўз панжаси орасига олиб беш кун ётди.

Олтинчи куни эса ўзи ҳам ўлиб қолди.

## ЙУЛБАРС, БУРИ ВА ТУЛКИ

(ХИНД ЭРТАГИ)

Бир куни йўлбарс қатмиқ касал бўлиб қолди. Йиртқич ҳайвонларнинг ҳаммаси касал кўргани келди-ю, фақат тулки келмади. Шунда бўри тулкига бўхтон қилди. Йўлбарс бўрини чақириб:

— Тулки келиши билан менга тезда хабар қил,— деди.

Ниҳоят тулки, келди. Тулкининг келгани ҳақида бури югуриб бориб, йўлбарсга хабар қилди.

— Дарагинг йўқ? — Шунча кун қаерда қолдинг? — деди йўлбарс унга.

— Сизга дори излаб юрган эдим,— деди тулки.

— Хўш, дори топдингми? — деди йўлбарс.

— Агар бўрининг йўғон болдир суюгини есангиз, тузалар экансиз,— деди тулки. Бу гап тулкининг оғзидан чиқиши билан йўлбарс бир чанг солиб, бўрининг йўғон болдир суюгини ажратиб олиб еди.

Тулки йўлбарс билан хайрлашиб, йўлида давом этди. Унинг орқасидан қонга беланиб, судралиб бўри бораради. Тулки бўрига қараб:

— Шоҳларга хушомадгўйлик қилмоқчи бўлсанг ҳам, гапингни ўйлаброқ гапир! — деди.

## АЙЁР ТУЛКИ

Айёр тулки учиб кетаётган қарға кетидан бораётиб, қудуққа тушиб кетди.

Қудуқ чуқур эди, шунинг учун у қудуқдан чиқиб кета олмади. Шу вақт қудуқ ёнидан үтиб кетаётган эчки қудуқ ичидаги тулкини күриб:

— Тулки, сен бу ерда нима қилиб үтирибсан? — деб сұради.

Айёр тулки:

— Мен бу ерда дам олиб үтирибман, үзинг күриб турибсан: юқори жуда иссиқ, бу ер эса салқин, сув күп, — деб жавоб берди.

— Қудуқнинг суви яхшим? — сұради эчки.

— Қудуқнинг суви жуда тиниқ, яхши, муздек, хоҳлаганингча ичасан; бу ерга сакраб туш, икковимизга ҳам жой етади, бу ерда бир оз дам оламиз,— деди.

Эчки тулкининг сұзига ишониб, қудуққа сакраб тушди. Эчки тулкининг устига тушаёзди. Шунда тулки:

Сакрашни ҳам билмас экансан, ҳамма сувни сачратиб юбординг, деб эчкидан шикоят қилди. Эчки:

— Мен жуда яхши сакрайман, үзинг сакрашни билмайсан,— деб мақтанди. Тулки эчкининг мақтанчоқлигидан фойдаланиб:

— Мен сендан яхши сакрайман, истасанг, қандай сакрашни сенга күрсатаман, — деди. Шунда эчки тулкига:

— Қани, сакраб күр-чи? — деди. Тулки вақтнинг қулайлигидан фойдаланиб:

— Сен олдинги икки оёғингни қудуқнинг деворига тираб тур, мен сенинг устингга чиқиб, қудуқ тепасига чиқаман ва у ердан қандай сакрашни сенга күрсатаман, — деди.

Тулки айтгандек, эчки олдинги икки оёғини қудуқнинг деворига тираб турди. Тулки лип этиб эчкининг белига, ундан кейин шохига, ундан эса қудуқ тепасига чиқиб олди-да, «хайр» деб кетиб қолди.

Шундай қилиб, мақтанчоқ эчки қудуқ ичидә қолиб кетди.

## БАЁН ҚИЛИШ УЧУН ТЕМАЛАР

Баён қилиш учун берилған темалар конкрет, аниқ мазмунга эга бўлиши шарт. Маълумотлар қисқа, гап-

лар содда бўлиши лозим. Бора-бора темалар мураккаблаштириб борилади, қўйида намуна сифатида темалар берамиз:

Мен яшайдиган шаҳар.  
Менинг кўчам ва уйим.  
Менинг оиласи.  
Менинг касбим.  
Менга берилган жамоат топшириқлари.  
Биринчи Май намойиши  
Бизнинг деворий газетамиз.  
Менинг курс ишим.  
Мустақил ишнинг бошланиши.  
Биринчи маош.  
Менинг кун тартибим.  
Нутқ устида ишлаш.  
Нутқ устида ишлашимда логопеднинг ёрдами.  
Севимли спорт тури.  
Санаторийда дам олиш.  
Армияда хизмат.  
Келажак ҳақида орзу.  
Мен севган китоб.  
Менинг республикам — Ўзбекистон.  
Пахта — халқ бойлиги.  
Совет Армияси куни.  
Тошкент — дўстлик шаҳри.  
Пахта терими.  
Севимли ёзувчим.  
Таниқли олим.

### ТЕМАЛАР БҮЙИЧА ТАХМИНИЙ БАЁН ТУЗИШ

#### О шхона да

Бизнинг мактабимизда ошхона бор. Ўқувчилар катта танаффус вақтида ва дарсдан кейин ошхонада овқатланадилар. Ошхонада шўрва, лағмон, палов, котлет ва бошқа овқатлар бўлади.

Бугун 6 «А» синф ўқувчиларидан 5 киши ошхонада навбатчилик қиласиди. Икки ўқувчи столлар устига қошиқ, вилка, пичноқ, туз қўяди. Нон кесиб, тарелкаларга солади. Учта ўқувчи ошпазга ёрдам беради. Улар тарелка, стакан, коса, вилка, қошиқ, пичноқларни ювиб, ошпаз олдидағи стулга қўядилар.

Ұқувчилар умивальникда құлларини ювиб, тоза соңынан артадилар. Үндән кейин ошхонага кириб, стол атрофига үтирадилар. Навбатчи ұқувчилар уларға овнатат келтириб берадилар.

### Езги каникулда

Езги каникулда күпчилик болалар пионер лагерларда дам оладилар. Үлар лагерда овқатланадилар, ҳар хил китоблар үқиб, вақтида ухлайдилар.

Болалар лагерда турли хил спорт билан ҳам шүгелланадилар. Үлар тоғларга чиқадилар, чұмиладилар, футбол, теннис, шахмат, шашка ва бошқа үйнелілар үйнайдилар.

Баъзи ұқувчилар үзлари яшайдиган жойда дам оладилар. Үлар ҳам спорт билан шүгелланиб, күп китоблар үқийдилар. Юқори синф ұқувчилари колхозчиларга мева ва сабзавотларни теришда ёрдамлашадилар. Үлар колхоз комсомол ташкилотига деворий газеталар чиқарыш ва бошқа ишларни ташкил қилишда ёрдам берадилар.

### Софлом нутқ учун курашинг!

Мен логопедик машқлар курсини үтадым. Бизга үзүстимизда тинмай ишлаш зарурлиги тұғрисида күп гаплар айттылди. Лекин мен бунга унча ажамият берманың әдім. Вақті келиб, үйлаб қарасам бунинг ажамияти жуда катта экан.

Үз устида ишлаш — бу чидам ва сабр-тоқат билан тинмай машқ қилиш, бунинг натижасыда үйланған орзу ва мақсаддага әришиш демакadir.

Бунинг учун ҳар бир кишининг үз күн тартиби бүлиши ва унга қатъий риоя қилиши шарт. «Бұш вақтим бүлмади», «Хонадаги кишилар ишлашимга халақит берди» каби баҳоналар қилинmasлиги керак. Бу ишларни бажаришда сизларга қариндошлар, дұстлар ва танишибилишлар бажону дил ёрдам беришади. Лекин улар қандай ёрдам кераклигини билишмайды, уларға сиз үз мақсадингизни тушунтириң.

Агар улар кинога боришиңи таклиф қилишса, сизнинг күн тартибиниз бүйіча машқ қилишингиз керак бўлса, бунга қатъий амал қилинг. Агарда машқларин-

гиз ёмон чиқса, яхши натижаларга эришиш учун астойдил ҳаракат қилинг. Ҳамма машқлар аниқ чиқмагунча тақрорлашни сусайтирунган.

Машқ қилишда яхши натижаларга эришиш сизда кучли ирода тарбиялайди. Ана шундай ирода сизда түрпи нутқнинг тарбияланишига ёрдам беради. Меҳнатингизнинг зое кетмаганлигини кўриб сиз қувонасиз, бунга менинг ишончим комил.

### К а с б т а н л а ш

Кечак дарсдан кейин 7 «А» синф ўқувчиликарининг мажлиси бўлди. Мажлисда синф раҳбари касб танлаш ҳақида гапирди. Фарҳод, Наргиза ва Саид мактабдан қайтишда шу ҳақда суҳбатлашиб бордилар.

— Болалар, мен мактабни битириб, тикувчи бўламан, — деди Наргиза. — Бу қизлар учун яхши касб. Мен машина ҳайдашни яхши кўраман, шофёр бўламан, — деди Саид.

Фарҳод суҳбатга аралашмай келар эди. Наргиза унга:

— Фарҳод, сен ким бўласан? — деди.

— Мен расм солишини яхши кўраман, рассом бўламан, — деди Фарҳод.

— Демак, Саид шофёр, Фарҳод рассом бўлади, — деди Наргиза.

— Бунинг учун ҳозирдан бошлаб яхши ўқиш ва интизомли бўлиш керак.

— Ҳа, ҳамма касб ҳам билимли ва интизомли бўлишни талаб этади, — деди Фарҳод.

### П а х т а д а л а л а р и д а

Сентябрь ойида пахта терими бошланади. Пахта териши машиналари далага чиқади. Машиналар оппоқ пахталарни тез ва тоза теради. Колхозчилар бу пахталарни пахта қабул қилиш пунктларига юборадилар. Республикашимиз пахтакорлари йилдан-йилга пахтадан мўл ҳосил етиширишда дунёга танилмоқда. Уста пахтакорларимиз мўл ҳосил етиширишда ўрнак кўрсатишяпти.

Пахта халқимизнинг бойлигидир.

## Тошкент

Пойтахтимиз Тошкентнинг номи тарихда биринчи марта XI асрда учрайди.

Урта асрларда Тошкент Шарқ ва Европа давлатлари билан савдо ва маданий алоқа боғлайди.

XVIII — XIX асрларда Бухоро ва Қўқон хонликлари орасида Тошкентни эгаллаш учун кураш кучаяди.

Россияга қўшиб олиниши олдидан Тошкент Қўқон хонлигига қарашли эди. Бу вақтда шаҳарда 70 мингга яқин аҳоли яшар эди. 1865 йилда Тошкент Россияга қўшиб олинди.

1877 йилдан эътиборан Тошкент Туркистон ўлкаси-нинг маъмурий-сиёсий маркази бўлиб қолди.

Тошкент—Оренбург темир йўлиниң қурилиши Тошкентни Россиянинг саноат марказлари ва ўлканинг бошқа шаҳарлари билан алоқасини кенгайтириша катта роль ўйнайди.

Туркистон ўлкасининг Россияга қўшиб олиниши ўлка меҳнаткашларининг Россия пролетарлари революцион ҳаракатига қўшилишига кенг йўл очди. 1903 йилда Тошкентда биринчи социал-демократик тўгарак тузилди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин 1918 йил 30 апрелда Туркистон автоном совет республикаси тузилди ва Халқ Комиссарлари Совети сайланниб, халқ ҳокимиётини ўз қўлига олди.

1924 йилдан бошлаб республикамиз Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси деб аталади.

## Пахта — бойлигимиз

Куз... Кузда фўзанинг кўсаклари пишиб етилади. Опок пахталар очилади. Пахтазорларимизда пахта терими бошланади. Пахтани машиналар ва чаққон теримчилар терадилар. Терилган пахта пунктларга жўнатилади. Бу ердан пахта заводларига юборилади.

Пахта тозалаш заводларида пахта толаси маҳсус машиналар ёрдамида чигитдан ажратиб олинади. Ажратилган толалар тўқимачилик комбинатига юборилади. Пахта толасидан ип тайёрланади. Иплардан ҳар хил газламалар тўқилади.

Пахта кундалик ҳаётимиизда ҳам, медицинада ҳам күп ишлатиладиган эң зарур нарсадир.

Пахта толасидан ажратилган чигит ёғ заводларига юборилади. Унинг мағзидан машиналар ёрдамида ёғ олинади.

Пахта — бизнинг шон-шуҳратимиз. Пахта — бизнинг бойлигимиз.

### Биринчи май байрами

Бутун дунё меҳнаткашларининг бирдамлик куни — Биринчи Май тарихи 1886 йилдан бошланади. Уша йили Чикаго шаҳри ишчилари забастовка эълон қилдилар. Улар биринчи май куни намойишга чиқишиди. Намойиш қатнашчилари бутун дунё меҳнаткашларини 8 соатлик иш куни учун курашга чақирдилар.

Россияда Биринчи майни биринчи марта 1891 йили Петербург ишчилари нишонладилар.

1904 йили Тошкент ва Туркистонда Биринчи май забастовкаси ва митинглари уюштирилди.

Меҳнат, тинчлик ва бирдамлик байрами — Биринчи Май бизнинг мамлакатимиизда ҳар йили нишонланади. Аммо бу йилги Биринчи Май биз совет кишилари учун айниқса сермазмундир. Чунки биз коммунизм қуриш учун қилинган меҳнат фалабаларимизни намойиш қиласиз.

### Коммунистик меҳнат бригадалари

Бир неча йил илгари кўпгина ишчи коллективлари, В. И. Ленин васият қилганидек, «Коммунистча ўқиш, ишлаш ва яшаш»га киришдилар. Булар коммунистик меҳнат бригадалари эди. Ана шундай бригадани биринчи Москва Сортировочная станцияси депоси ремонт цехининг коммунист ва комсомоллари ташкил қилдилар. Улар 1958 йил октябрь ойида бўлган мажлисларида: «Биз ленинча яшаб, ленинча ишлашимиз лозим, коммунистик жамият қуриш, ишимизга халақит берадиган нарсаларнинг ҳаммасига қарши курашишимиз керак», — деб қарор қилдилар. Бу ташаббус дарров мамлакатга ёйилди. Ҳамма жойда коммунистик меҳнат бригадалари тузила бошлади. Бундай бригадалар кун сайн кўпаймоқда. Минглаб бригадалар, цехлар ва ҳатто бутун корхоналар шу юксак номни олиш учун курашмоқдалар.

Коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси бўлиш, бу юксак номни олиш учун кўп ғайрат сарфлаш керак. Коммунистик меҳнат бригадасининг тартиб-қоидалари бор. Буларни эсда тутинг.

«Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун!» деган қондага амал қилиб яша. Битта ялқов бутун бригадага иснод келтиради. Билим ва тажрибангни ҳаммага ўргат. Ўртоғинг орқада қолса, унга сен ёрдам бер. Ишдан бўш вақтингда қўлингга китоб ол, ўқи — халқа фойда келтирасан. Кўз олдингда бирорни хафа қилсалар, бунга сен ҳам айбдорсан. Қўча, уйда ва оиласда одобли, хушмуомала бўл. Шу қоидаларни бузсанг, коммунистик меҳнат бригадасида сенга ўрин йўқ!»

Сиз ҳам бу тартиб-қоидаларни бажаришга ўрганинг! Мамлакатимизнинг сиздан умиди катта.

### Абу Али ибн Сино

(980—1037)

Буюк олим Абу Али ибн Сино табиб, математик, файлласуф ҳамда шоир эди. У Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилди. Унинг болалик ва ўсмирлик йиллари Бухорода ўтиб, табиблик ва илмий фаолияти ҳам шу шаҳарда бошланди.

Бу йилларда Бухорода Мансур шоҳ ҳукмронлик қиласа шоҳи эди. Шоҳ анчадан бери касал бўлиб, уни ҳеч ким даволай олмаган эди. Ёш табиб ибн Сино шоҳни даволашга мусассар бўлади. Шу тариқа шоҳ кутубхонасидан баҳраманд бўлиш баҳтига эришади. У ердаги хилма-хил китобларни ўқиб, ўз билимини бойитади.

999 йилда Бухоро султон Маҳмуд томонидан босиб олинади. Ибн Сино мусулмон руҳонийлари ва султон Маҳмуднинг таъқибидан чўчиб 1002 йилда Хоразм пойтахти Урганчга кетади. Урганчда Хоразм шоҳи Маъмуннинг саройида яшайди. Ибн Сино бу ерда машҳур олим Беруний билан учрашади. У 1012 йилда Хоразмдан Эронга кетишга мажбур бўлади ва сарой табиби вазифасида ишлайди.

Ибн Сино турли соҳага доир кўплаб асарлар ёзди. Шулардан дунёга машҳури «Тиб қонунлари» китобидир. Бу асар XII асрдаёт латин тилига таржима қилинган

эди. «Тиб қонунлари» XVIII асрга қадар бутун дунё врачлари учун қўлланма бўлиб келган.

1980 йилда буюк олимнинг 1000 йиллиги бутун дунё прогрессив инсонияти томонидан кенг нишонланади.

### Улуғбек (1394—1449)

Улуғбек (Муҳаммад Тарагай) машҳур ўзбек олимни ва астрономидир. Буюк лашкарбоши Амир Темур ўз невараси Муҳаммад Тарагайни ғоят зийрак ва ўткир зеҳнли бўлгани учун Улуғбек деб атайди. Улуғбек ўн беш ёшида Самарқанд ҳокими қилиб тайинланади. Отаси Шоҳруҳнинг вафотидан кейин эса темурийлар сулоласининг бошлиғи бўлади.

Улуғбек ёшлигидан фанга қизиқади: кўп вақтини саройдаги бой кутубхонасида ўtkазади. У шеъриятга қизиқар, тарих билан шуғулланарди. Астрономия эса унинг ҳаммадан ҳам яхши кўрган фани эди.

Улуғбек ўз ҳукмронлик йилларида замонасидаги кўпгина машҳур олимларни Самарқандга тўплади. 1480 йилда бутун дунёга машҳур расадхона (обсерватория) қурдирди. Ўша даврда ва ҳатто ундан анча кейин ҳам Улуғбек расадхонасидек обсерватория дунёда йўқ эди. Улуғбек ўз атрофидаги олимлар билан биргаликда «Янги астрономик жадвал» деган машҳур асарини яратди. Унда астрономиянинг назарий асослари ва бир минг ўн тўқиз юлдузнинг ҳолати ифодаланган. Бу жадвал ғоят аниқлиги билан бутун дунёга машҳурдир. Улуғбекнинг юлдузлар, сайдерлар ҳаракати ҳақидаги жадвали за бошқа илмий кузатишлари жаҳон астрономия фанининг ривожланишига жуда катта ҳисса қўшди.

Улуғбек даврида кўпгина катта бинолар, ёдгорликлар қурилди, адабиёт, санъат анча юксалди.

Улуғбекнинг илм-фан ва маърифатпарварлик соҳасидаги катта ишлари сарой аҳлида, айниқса руҳонийларда кескин норозилик уйғотди. Улар Улуғбекни ислом динига зид ишлар қилишда айблайдилар. Жоҳил руҳонийларнинг фитнаси билан буюк олим фожиона ўлдирилди.

Улуғбек ўз асарида: «Дин тумандек тарқалиб кетади, подшолик эса завол топади. Бироқ олимларнинг асарлари абадий сақланади» деб ёзган эди. Совет замонаси

буюк олимнинг сўзлари нақадар тўғрилигини яққол тас-  
диқламоқда. Ҳозирги кунда Улуғбекнинг бой илмий ме-  
роси — машҳур расадхонаси зўр ихлос билан чуқур ўр-  
ганилмоқда.

### Регистон

Самарқанддаги Регистон ансамбли учта салобатли  
бинодан ташкил топган. Булар Улуғбек мадрасаси, Шер-  
дор мадрасаси ва Тиллақори мадрасасидир.

Улуғбек мадрасаси 1417 йилда барпо этилган. Бу  
бино Улуғбек қурдирган мадрасаларнинг энг каттаси ва  
энг қимматлиси эди. Унинг монументал пештоқлари, ён  
гумбазлари ва миноралари ҳозир ҳам кишини ҳайратга  
солади. Мадрасада диний назариядан ташқари турли  
амалий фанлар ҳам ўқитилган. Бу ер ўз даврида илм-  
фанинг йирик маркази бўлган. Мадрасада машҳур  
олимлар, жумладан Улуғбекнинг ўзи ҳам дарс берган.

Шердор мадрасаси 1616—1636 йилларда Самарқанд  
ҳукмдори Ялангтӯш Баҳодирнинг топшириги билан қу-  
рилган. Баҳайбат пештоқ тепасида шер ва оҳулар расми  
солингани учун Шердор мадрасаси деб аталган. Мадра-  
са ўз даврининг диний мактаби ҳисобланган.

Тиллақори мадрасаси 1647—1660 йилларда қурилган.  
У зарҳал нақшлар билан ишланганлигидан шундай ном  
олган. Бу мадраса биноси қурилиши билан регистоннинг  
ажойиб ансамбли мукаммал шакл олган.

Совет ҳокимиюти йилларида Регистон майдонидаги  
бу учала бинонинг кўп қисми қайта тикланди.

### Ленин — барҳаёт

22 апрель — бутун дунё меҳнаткашларининг улуғ до-  
ҳийси, устози В. И. Ленин туғилган кун! Бу кунни бутун  
прогрессив инсоният улуғ байрам сифатида нишонлайди.

Ер юзида ҳозир Владимир Ильич Лениннинг номи,  
унинг гоялари етиб бормаган жой йўқ. Бу ном 1917 йил  
«Аврора» залпи, Улуғ Октябрь революцияси бонги билан  
бирга бутун дунёга тарқалди.

У совет халқининг ғалабалари, жаҳон коммунистла-  
рининг ишлари мисолида, дунё халқлари кўзи олдида  
қуёшдек порлаб туради. У халқларнинг озодлиги, баҳти  
ва келажаги учун курашга чақиради, илҳомлантиради.

Ленин ва ленинизм ғоялари бутун дунёда тантана қилмоқда.

Ленин номи биз билан бирга! У қалбимизда, ҳәётимизда ва кундалик ишимизда доимо барҳаёт! Совет халқи Ленин номи билан чүлларни гулистонга, юртимизни бўстонга айлантироқда. Совет болалари ўзларини фахр билан: «Ильич набираларимиз»,— деб атайди ва ҳар куни, ҳар соатда Ильичга ўз ишлари ҳақида рапорт беришади.

Сизнинг ишингиз учун, қадрдон Ильич, Сиз тузган Коммунистик партия иши учун курашга доим тайёрмиз!— дейишади. Ленин — доим барҳаёт.

### Камтарлик

Камтарлик — инсонга хос энг гўзал фазилатларнинг биридир. Камтар деганда, кўз олдимизда аввало меҳнатсевар, хушмуомала, вазмин киши намоён бўлади. Камтар киши ўзидан каттани ҳурмат қиласди.

Камтар киши оддий ва озода кийинади, ортиқча пардоз-андозларга берилмайди. Киши кўнгли, хатти-харатки, муомаласи билан гўзал, камтар бўлиши керак.

Лекин камтарлик ҳар нарсага кўна бериш эмас. Камтар киши қатъий бўлиши керак. Камтар одам ўртоқлари билан фикрлашаётганда, мунозараларда ҳеч қачон қўполлик қилмайди.

Орангизда айрим кишилар инсонга хос бу ажойиб фазилатни ривожлантиришга етарли аҳамият бермаса, уларга камтарликнинг инсонга хос энг гўзал фазилат эканлигини эринмасдан тушунтириб беринг.

Халқимиз камтарлик фазилати тўғрисида: «Одам бўламан десант, камтарликни одат қил», «Одамга энг яхши либос камтарликдир», «Қариликни донолик безатади, ёшликини — камтарлик» сингари кўплаб мақоллар яратган.

### Сенга шон-шараф, Совет Армияси!

Кенг, текис кўчадан, бепоён далалардан, баланд-баланд тоғ чўққиларидан совет солдати ўтиб боради. Совет Армияси — Ватан посбони! У совет халқининг, дунёдаги барча тинчликсевар халқларнинг посбони! Совет Армияси меҳнаткаш халқнинг халоскори бўлиб дунёга келди.

У ёш совет давлатини гражданлар уруши даврида капитализм ҳужумидан ҳимоя қилди. Иккинчи жаҳон урушида Совет Армияси дунё халкларини фашизм асоратига тушіб қолышдан қутқарды. Чунки, бу Армияни бутун дунё мекнаташларининг дохийсін Владимир Ильич Ленин тузған, үстирган ва тарбиялаган. У улуг Ленин таълимими олған, улуг Ленин васиятларини үқиб ва үқиб улгайған.

Сен — дунё халоскори, сен — коммунизм пособони! Сен бизнинг Совет Армиямизсан! Сенга шон-шарафлар бұлесін!

## СҰЗЛАШУВ НҰТҚИ

### Телефонда

- Алло, Назира, сенимисан?
- Алло, ҳа мен. Кім гапирыпты?
- Мен Мавлудаман.
- Салом, Мавлуда! Яхшимисан, қаердан гапирайынсан?
- Үйдан гапирайпман.
- Кеча нега бизникига келмадынг? Ахир биз келишгап эдик-ку.
- Кеча мен опамларга уй ишларида ёрдам бердім. Шунинг учун бора олмадым.
- Бүгүн бизниқінга келасаңмы?
- Сизларникига әртага соат түрт яримда бораман. Шунда биргаликда нұтқ машқлары билан шүгүлланағыз.
- Жұда яхши. Албатта кея. Мен сени кутаман.
- Хүп, бораман, әртагача ҳайр.

### Сұхбат

- Наргиза: Нигора, сенинг отаң борми?
- Нигора: Ҳа, бор. Отам — профессор.
- Наргиза: Бувинг-чи? Бувинг ҳам борми?
- Нигора: Бувим ҳам бор. Бувим — пенсионер.
- Наргиза: Амакиң қаерда ишлайди?
- Нигора: Амаким йүқ. Тогам бор. Тогам — учувчи.
- Наргиза: Холаң борми?
- Нигора: Иккита холам бор. Катта холам мактабда ишлайди.

Кичик холам эса студент.

Наргиза: Аммаларинг ҳам борми?

Нигора: Битта аммам бор. Аммам — врач.

Наргиза: Уканг борми?

Нигора: Ҳа, бор. Ў ҳали кичкина.

Наргиза: Укангнинг исми нима?

Нигора: Укамнинг исми Нодир.

## Сұхбат

Шұхрат: Дилшод, Ұзбекистон ССРнинг биринчи президенті ким бўлган, биласанми?

Дилшод: Ҳа, биламан. Ұзбекистоннинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев бўлган.

Шұхрат: У неchanчи йилда, қандай оиласида ва қайси шаҳарда туғилган?

Дилшод: Йўлдош Охунбобоев 1885 йилда, Марғилон шаҳрида, камбагал дехқон оиласида туғилган.

Шұхрат: У ёшлик йилларини қаерда ўтказган?

Дилшод: У ёшлик йилларини бойларнинг эшигида, оғир меҳнат қилиб ўтқазган.

Шұхрат: Революциядан кейин Йўлдош Охунбобоев ҳаётини нимага бағишлади?

Дилшод: Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Йўлдош Охунбобоев ҳаётини халқ ишига бағишлади.

Шұхрат: Йўлдош Охунбобоев ким бўлиб ишлади?

Дилшод: Йўлдош Охунбобоев 1925 йилдан 1943 йилгача Ұзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси бўлиб ишлади.

Шұхрат: Охунбобоев неchanчи йилда ва қайси шаҳарда вафот этди?

Дилшод: Охунбобоев 1943 йилнинг 28 февралида Тошкентда вафот этди.

---